

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 29 (1628), 2026 йил 12 февраль, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН – ПОКИСТОН:

ХАЛҚЛАР ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Сиёсий жараёнлар шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда давлатлар ўртасидаги муносабатлар самардорлиги кўпроқ узоқ муддатли ишонч, ўзаро манфаатлар уйғунлиги ва амалий натижаларга боғлиқ бўлмоқда. Шу маънода, Президентимизнинг яқинда Покистон Ислон Республикасига давлат ташири икки мамлакат муносабатларида навбатдаги муҳим ва мантиқий босқични бошлаб берди.

Марказий ва Жанубий Осиёнинг етакчи давлатлари бўлган ушбу икки мамлакат бир-бирини стратегик ҳамкор сифатида тобора аниқ тасаввур қиляпти. Сўнгги йилларда Тошкент ва Ислонбод ўртасидаги сиёсий мулоқот изчил фаоллашиб, олий даражадаги алоқалар мунтазам ва мазмунли тус олди. Аynиқса, 2021 йил июлда

Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзолангани икки томонлама муносабатларни янги сифат босқичига кўтарди. Ушбу ҳужжат ҳамкорликни узоқ муддатли стратегик мақсадлар асосида ривожлантиришга қаратилган мустақам институционал пойдевор бўлди.

▶ Давоми 2-бетда

Буюк ўзбек йўли

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ СИЁСАТ БОРАСИДАГИ ПОЗИЦИЯСИ

минтақада ва халқаро миқёсда барқарорликни таъминлашда долзарб аҳамият касб этади

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг ўтган йил 16 ноябрдаги еттинчи Маслаҳат учрашувида Президентимиз билдирган фикрлар янги Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал хавфсизлик масалаларига ёндашувини яққол намоён этди. Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда бугун барқарор ўсиш ва фаровонлик учун янги имкониятлар эшиги очилаётгани, минтақа жадал тараққиёт ва самарали ҳамкорлик маконига айланиб бораётганини таъкидлади.

Минтақамизнинг геосиёсий жойлашуви, Шарқ ва Ғарбни боғловчи муҳим савдо йўлига ҳамда йирик давлатлар ўртасидаги стратегик буфер ҳудуд сифатида хизмат қилиши Ўзбекистоннинг минтақавий муносабатлар ва хавфсизлик масаласидаги мавқеини оширади.

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатда минтақавий хавфсизликни глобал хавфсизлик билан узвий боғлиқ ҳолда кўради. Мамлакатимиз етакчиси ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида очилган мулоқот таъминлангани, чегара масалаларининг ҳал этилгани, сув, энергетика ва транспорт соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилгани айнан хавфсизликни мустақамлашга хизмат қилмоқда.

▶ Давоми 3-бетда



ҲАР БИР ХОНАДОНДА ОБОДЛИК БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш, тадбиркорлик гоёларини қўллаб-қувватлаш борасида берилган имтиёз ва имкониятлар Риштон туманидаги “Хуррамобод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳаёт тарзига ўзига хос ўзгариш, янгиликлар олиб кирди. Маҳалла ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудлардан бирига айланди.

Маҳалла фуқаролар йиғинида ижтимоий, иқтисодий тармоқларни ривожлантириш мақсадида 30 дан ортқ микро ва макроойин-ҳа амалга оширилди, янги ташаббуслар қўллаб-қувватланди.

— Худудимиздаги 1146 хонадонда 4123 киши иштомат қилди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фарҳоджон

Солиев. — Йил бошида “маҳалла еттичилиги” билан ҳар бир оиланинг ҳаёт тарзи, муаммолари ўрганилиб, ишсиз 120 фуқарога алоҳида эътибор қаратилди. Уларнинг қизиқиши ва имконияти ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

▶ Давоми 4-бетда

ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯ УНДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ БЎЛАКЧА

Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Осиё тараққиёт банки ҳамда Жаҳон фанлар академияси (TWAS) ҳамкорлигида пойтахтимизда “SheSCIENCE 2026” Марказий Осиё олимпиа аёллари халқаро форуми ташкил этилди.

Тадбирда давлат бошқаруви органлари, халқаро ташкилотлар, илмий муассасалар ва олий таълим тизими вакиллари, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон каби давлатлардан 200 га яқин олимпиа аёллари иштирок этди.

Форум минтақада илм-фан соҳасида фаолият юритётган аёл-қизларни бирлаштириш, уларнинг салоҳиятини ошириш ва халқаро илмий ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган.

▶ Давоми 2-бетда

Президентимиз раислигида жорий йил 15 январь куни Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда хориздаги дипломатик ваколатхоналар фаолияти масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида Наманган вилояти ҳокими ҳар бир тумандаги биттадан мактабда Япония таълим-тарбия методикаси бўйича тажриба йўлга қўйилаётгани, мактаблардаги моддий-техник база маҳаллий бюджет ёрдамида мустақамланаётгани тўғрисида ахборот берди.

Нуқтаи назар



МИЛЛАТНИ БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧ

ёхуд миллий тизимга татбиқ этилаётган ЯПОН МЕТОДИКАСИ

Давлатимиз раҳбари бу ташаббусни маъқуллади. Ҳақиқатан, япониялик болаларнинг одоб-ахлоқи, тарбияси, тартиб-интизом бошқача. Япон маданияти, менталитети бизникига яқин. Шу маънода, ушбу таклифнинг қўлланиши муҳим аҳамиятга эга.

Бугун давлатларнинг ҳақиқий куч-қудрати шу мамлакатда яшовчи аҳолининг тарбияси, ҳуқуқи, масъулияти, маданияти, меҳнатга муносабатида намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам янги Ўзбекистон ўз тараққиёт стратегиясини инсон қадрини, маънавиятини ва тарбиясини

марказга қўйган ҳолда амалга оширмоқда. Ана шундай хайрли ишлардан бири ривожланган давлатларнинг тарих синонваларидан ўтган тажрибасини юртимизда жорий этиш бўляпти. Халқимизнинг “Етти ўлчаб, бир кес” деган мақоли бор. Шунга амал қилиб, ҳар қандай ютуқ бирдан барча ҳудудда татбиқ қилинмай, қайта-қайта синаб кўриляпти. Чунки натижадорлигига ишонч комил бўлгангина, тажрибани кенгайтириш лозим.

▶ Давоми 5-бетда



14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваддуғ топган кун

Ҳаёти ва ижоди — ибрат мактаби

Ўзбек халқи тарихида ёрқин из қолдирган буюк юртошларимиз ичида Заҳириддин Муҳаммад Бобур алоҳида ўрин тутди. У сермазмун ва баракали ижоди билан жаҳон маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган буюк сиймолардан бири.

кардан ширин меваларини таъриф қилишдан бир сония чарчамаган...”

Бобурнинг буюклиги ва халқимизга суюклиги нимада? Гап шундаки, у ҳам бошқалар қатори оддий инсон бўлган, лекин тақдир синонваларига тан бериб, қўл қовуштириб ўтрмади. Юксак даражадаги ақл-

идроки, тафаккури, сабр-тоқати, матонати билан машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтиб, Ҳинд ерида буюк Бобурийлар салтанатига асос солди. Қайси бир соҳани олиб қарамайлик, барчасида пешқадам, илдам бўлди. Ҳар доим адолатни туғ қилиб, муборак ялов қилиб кўлида кўтариб юрди. Оддий масала-

лардан тортиб, мушкул ҳолатларга ҳақиқатга таянди, рўй-рост сўзлади. Гарчи тақдир Бобурни юртдан олисларга олиб кетган бўлса-да, у ҳамisha она диёр, ватан нафаси билан яшади.

▶ Давоми 6-бетда



Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН – ПОКИСТОН:
ХАЛҚЛАР ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ
ҚИЛАЁТГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКГулжан ХАЛМУРАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг Ўзбекистонга ташрифи билан боғлиқ. Ташриф якунига кўра олий даражадаги Стратегик шериклик кенгаши тасис этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, икки томонлама муносабатларни мувофиқлаштириш ва тизимли ривожлантириш учун самарали механизм ишлаб чиқилди. Бу эса ҳамкорликни институционал жиҳатдан янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Иқтисодий кўрсаткичлар ҳам икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик мазмунини чуқурлаштираётганини яққол тасдиқлайди. 2025 йил якунига кўра ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 474,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва ахборот технологиялари соҳаларида қўшма лойиҳалар шаклланди. Бу эса иқтисодий ҳамкорликнинг

диверсификация қилиниб, барқарор асосда ривожланиётганини кўрсатади. Айнисига, транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорлик стратегик аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги транспорт йўлакларини ривожлантириш Марказий Осиё давлатларининг Жанубий Осиё бозорига чиқиш имкониятини кенгайтиради. Бу нафақат икки мамлакат, балки бутун минтақанинг иқтисодий интеграцияси учун жуда муҳим.

Икки томонлама муносабатларда гуманитар ҳамкорлик ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу юқорида айтаётганимиздек, иқтисодий ҳамкорликнинг

мулоқот учун мустаҳкам маънавий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Маданият ва таълим соҳасидаги алмашувлар кўламини кенгайтириб бормоқда. 2021 йил июлда имзоланган маданий ҳамкорлик дастури ушбу йўналишда тизимли муносабатларни таъминламоқда.

Туризм соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш борасида ҳам ижобий қадамлар ташланмоқда. 2024 йил ноябрда Тошкент ва Лаҳор шаҳарлари ўртасида тўғридан тўғри авиақатновнинг тикланиши савдо, туризм ва ишбилармонлик алоқаларига янги суръат бағишлади.

Президентимизнинг Покистонга навбатдаги давлат ташрифи айнан ана шу ижобий динамикани янада мустаҳкамлашга қаратилган. Ташриф доирасида олий даражадаги музокаралар ўтказилиб, сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт, маданий-гуманитар ва туризм соҳаларида янги келишувларга эришиш режалаштирилган. Шунингдек, қўшма декларация ва кўп қиррали ҳужжатлар тўпламини қабул қилиш, икки мамлакат ишбилармон доиралари иштирокида қўшма бизнес-форум ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги муносабатлар бугун аънанавий дипломатия доирасидан чиқиб, минтақалараро боғлиқликни мустаҳкамлаш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва халқлар фаровонлигига хизмат қилаётган стратегик шерикликка айланмоқда. Президентимизнинг Покистонга давлат ташрифи ушбу жараёнда янги саҳифа очиб, икки мамлакат ҳамкорлигини муҳим босқичга олиб чиқади.

АТОҚЛИ ДАВЛАТ ВА
ЖАМОАТ АРБОБИ
КАЛЛИБЕК КАМАЛОВ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли меҳнат фахрийси Каллибек Камалов шу йил 11 февраль кuni 100 ёшида вафот этди.

Каллибек Камалов 1926 йил 18 мартда Қорақалпоғистоннинг Тахтакўпир туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатиб, ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, 1955 йилда Нукус давлат университетини тамомлади. Меҳнат фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси ёшлар кўмитаси котиби лавозимидан бошлаб, кейинчалик Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, Нукус шаҳар ижроия кўмитаси раиси бўлиб ишлади.

Катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган К.Камалов Қорақалпоғистон Республикаси коммунал хўжалиги вазири, йўл транспорти ва автомобиль йўллари вазири, Қорақалпоғистон партия кўмитаси котиби лавозимларида самарали фаолият кўрсатди.

Бутун ҳаёти ва фаолиятини ўзи туғилиб вояга етган юрт равнақига бағишлаган моҳир раҳбар 1959-1963 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, 1963-1984 йилларда Қорақалпоғистон

Республикаси партия кўмитасининг биринчи котиби, Республика етакчиси каби масъул вазифаларда жонбозлик кўрсатиб, худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, турли соҳа ва тармоқларда ишни замон талаблари асосида йўлга қўйиш борасида фидокорона меҳнат қилди.

Каллибек Камалов 1984-1986 йилларда истеъодли дипломат сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатди.

У кўп йиллик серқирра меҳнат фаолияти давомида бой таърибаси, раҳбарлик салоҳияти, юксак инсоний фазилатлари, Ватанимизга беқиёс меҳри ва садоқати билан эл-юрт қалибдан чуқур жой олган улуг инсон эди. Унинг бевосита раҳбарлигида Қорақалпоғистон Республикасини ҳар томонлама тараққий эттириш, мавжуд мураккаб иқлим шароитида пахтачилик, ғалчалчилик, чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги тармоқларини, шунингдек, саноат ва ишлаб чиқаришни равнақ топтириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Каллибек Камалов сўнгги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси нурунийлар жамоатчилиги кенгаши раиси сифатида кексалар ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш, жамиятда тинчлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш борасидаги ишларда фаол иштирок этиб келди.

Каллибек Камаловнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги улкан хизматлари муносиб тақдирланди. У “Шуҳрат” медали ва “Эл-юрт хурмати” ордени билан мукофотланган эди.

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва қамқор инсон Каллибек Камаловнинг хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ,
А. АРИПОВ, А. ОРИНБАЕВ, С. ТУРДИЕВ

Бошланиши 1-бетда

2022 йил март ойида давлатимиз раҳбарининг Покистонга расмий ташрифи эса сиёсий яқинликни амалий мазмун билан бойитди. Ушбу ташриф давомида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, инвестиция лойиҳаларини илгари суриш ҳамда тармоқлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қатор келишувларга эришилди. Натижада икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар декларатив баёнотлар доирасидан чиқиб, аниқ иқтисодий ва ижтимоий самара бераётган ҳамкорлик моделига айлана бошлади.

Муносабатлар тараққийотидаги кейинги муҳим босқич 2025 йил февралда Покистон



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯ
унда аёлларнинг ўрни бўлакча

Форум

Бошланиши 1-бетда

Унинг доирасида минтақавий ва глобал ҳамкорлик, барқарор ривожланиш, экология, тиббиёт, муҳандислик, рақамли технологиялар, биотехнология каби йўналишлар муҳокама қилинди.

— Тадбир Марказий Осиёда илм-фан соҳасида фаолият юритаётган аёлларни бир жойга жамлаш, таъриб алмашиш, қўшма тадқиқотлар ўтказиш ва янги лойиҳаларни йўлга қўйиш имконини берди, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирилик ҳузуридаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази директори ўринбосари Дилфуза Эгамбердиева. — Форум илмий майдонда илгари суриладиган ғоялар ва инновацион лойиҳалар минтақа миқёсида сўз ресурслари, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат хавфсизлиги каби соҳаларда янги амалий ечимлар таклиф қилиши, минтақада илм-фан тараққийотини жадаллаштириши, мамлакатлар ўртасида илмий дипломатияни мустаҳкамлаши билан аҳамиятли. Қўшма тадқиқотлар ва таълим дастурлари орқали давлатлар ўртасида алоқалар ривожланади. Бу эса минтақадаги барқарорлик ва тараққийотга ижобий таъсир кўрсатади.

— Илмий ишланамма цианобактериялар асосида бионанокөмпозит материал ишлаб чиқиш орқали чўлланишнинг олдини олишга қаратилган, — дейди Туркманистон Фанлар академияси ҳузуридаги Халқаро илмий-технологик парк вакили Олтин Раҳмонова. — Мақсадимиз темир йўл ва автомагистралларда жуда катта қийинчилик туғдирадиган қўмларнинг кўчишини тўхтатишдир. Бу бордада жонли табиат, тирик қимматли бактериялар асосида бионанокөмпозит материалларни ишлаб чиқиш. Улар автомагистраллар, темир йўллари ифлосланишининг олдини олиш ҳамда барханий ҳудудларда табиий ўсимликлар ўсишига хизмат қилади. Экологияга ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, чўл ҳудудлар қўқаламзорлаштирилади. Бу биотехнология ва нанотехнологиянинг янги усуллари.

Форум доирасида “Мўтабар аёл” кўкрак нишонини 2025 йил учун эгаларига топшириш ҳамда “Олима

аёл — 2025” миллий грант танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.

— Беларуслик ҳамкасбларим билан қон саратонига чалинган болалар жигарининг вирусли зарарланишини ўрганишга доир лойиҳа устида тадқиқот ўтказдик. Лойиҳамиз учун 2 миллиард сўмдан ортиқ грант маблағи ажратилди, — дейди “Олима аёл — 2025” миллий грант танлови ғолиби, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институти шифокори Раъно Қосимова. — Бу нафақат шахсий ютуқ, балки имконият эшигини очуви муҳим воқеадир. Қон саратони касаллигига чалинган болаларда кўп ҳолатларда жигар зарарланиши кузатилади. Бу эса болада илик кўчириш амалиёти, нур, кимётерапия ўтказилишига тўсқинлик қилади. Лойиҳа вирус сабабларини ўрганиш ва бартараф этишга қаратилган.

Тадбир мамлакатимиз илм-фани тараққийоти йўлида самарали меҳнат қилаётган, илмий изланишлар олиб бораётган ва инновацион ғоялар яратаятган хотин-қизларга юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Юртимизда илм-фан ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариламоқда. Шу ўринда олимпиадалар раҳбарлик қилаётган илмий лойиҳаларнинг аксарияти тиббиёт, техника ҳамда кимёвий технологиялар йўналишларига оидлигини таъкидлаш жоиз.

“SheSCIENCE 2026” форуми Марказий Осиёда олимпиадаларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, илм-фан ва инновациялар соҳасида гендер тенглигини таъминлаш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш ҳамда халқаро илмий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган муҳим платформа сифатида эътироф этилди. Шунингдек, у илм-фан, инновация ва инсон капитали орқали минтақанинг барқарор ва рақобатбардош ривожланишига хизмат қилади.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Саноат
Фойдали қазилмалар
тармоқлар фаолиятининг асоси

Мамлакат фойдали қазилмалари энергетика, саноат, кимё ҳамда металлургия мажмуалари каби тармоқларнинг самарали фаолияти учун муҳим асосдир. Ўзбекистон катта миқдордаги фойдали қазилмалар захирасига эга. Ушбу салоҳият иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун кучли ресурс вазирасини ўтайди. Бу имкониятни тўлиқ рўёбга чиқариш эса тизимли ва замонавий ёндашувни талаб этади.



Шу боис, сўнгги йилларда геология-қидирув ишлари, янги конларни аниқлаш ва ресурс базасини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиламоқда. Шунингдек, хомашёни оддий қазиб олишдан қўшимча қиймат қўшиб олишнинг имкониятини янги хомашёни қайта ишлаш, янги ишлаб чиқариш қувватини яратиши, инвестициялар ва технологияларнинг жалб этишга босқичма-босқич ўтилмоқда.

Яқин йилларгача тизимда қатор муаммолар мавжуд эди. Жумладан, эскирган инфратузилма, геология-қидирув ишлари етарли даражада бажарилмагани, замонавий технологиялар кенг жорий этилмагани, инвестициявий жोजабдорлик пастлиги, ишлаб чиқариш ва логистика занжирлари тарқоқлиги соҳанинг салоҳиятини тўлиқ очиб беришга тўсқинлик қилиб келган.

Президентимиз ташаббуси билан кейинги йилларда ушбу стратегик муҳим йўналишни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар

бажарилди. Геология-қидирув базаси сезиларли даражада кенгайтирилди. Янги конларни аниқлаш ишлари фаолаштирилди. Норматив-ҳуқуқий база янгиланмоқда. Хусусий капитал ва халқаро ҳамкорларнинг қириб келиши учун қўлай шароит яратилмоқда.

Айниқса, кўмир ва уран саноатини комплекс ривожлантириш, хусусан, разведка ва қазиб олишдан қайта ишлаш ва саноатда қўллашга бўлган барча босқични қамраб олган ёндашувга алоҳида урғу берилмоқда. Бундай ёндашув фойдали қазилмаларни шунчаки хомашё эмас, балки бутун миллий иқтисодиёт учун ўсиш нуқтаси сифатида кўриш имконини беради.

Узоқ муддатли истиқболда бу мамлакатимизнинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, янги иш ўринларини очиб, худудларни ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон келажиги учун мустаҳкам саноат пойдеворини шакллантиришни аниқлатади.

Мазкур соҳа доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Шу мақсадда мунтазам тақдимотлар, йиғилишлар ўтказилиб, уларда геология-қидирув ишларининг бориши, ресурс базасининг ҳолати, янги инвестиция лойиҳалари ҳамда тармоқни ривожлантириш дастурлари муҳокама қилинмоқда.

Жумладан, жорий йил 2 февраль кuni кўмир ва уран саноатида амалга оширилаётган ишлар ҳамда яқин истиқболга мўлжалланган режалар юзасидан ўтказилган тақдимотда Президентимизга кўмир ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, соҳада рақобат муҳитини кучайтириш ва захиралардан самарали фойдаланиш борасида ахборот берилди.

— Йиғилишда қайд этилганидек, 2025-2026 йиллар куз-қиш мавсумида 10 миллион тонна кўмир қазиб олиш режалаштирилган. Бу ўтган мавсумга нисбатан 1,3 миллион тонна кўндир, — дейди тоғ-кон саноати ва геология вазири Бобур Исломов. — Ҳозирча 9 миллион тонна кўмир қазиб олинди. Ўсиш 590 минг тоннани ташкил этди. Кейинги мавсумда ишлаб чиқариш ҳажмини 11 миллион тоннага етказиш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун Тошкент ва жанубий ҳудудларда жойлашган конларни ўзлаштиришни жадаллаштириш, селектив қазиб олишни кенгайтириш, аутсорсинг асосида қўшимча экскаватор ва техникалар жалб қилиш муҳим экани таъкидланди. Хусусий тадбиркорлар иштирокини кенгайтириш орқали 2026 йилда қўшимча 2,5 миллион тонна кўмир қазиб чиқариш режалаштирилган.

Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга 5 миллион тоннага яқин, аҳолига 1,5 миллион тонна ва бюджет ташкилотларига 700 минг тонна кўмир етказиб берилди.

Тақдимотда кўмирни чуқур қайта ишлаш асосида янги турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳа ҳам кўриб чиқилди. “Ўзимёсанот” акциядорлик жамияти ташаббуси билан кўмирни кимёвий қайта ишлаш орқали полимер маҳсулотлар олиш режалаштирилган. Лойиҳа қиймати 5 миллиард доллар. Унинг натижасида йилга 8-9 миллион тонна кўмирни қайта ишлаш ва 1,18 миллион тонна полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш қуввати барпо этилади.

Ҳозир бўйича 16 та хусусий тадбиркорлик объекти фаолият юритмоқда. Ушбу кўрсаткичнинг жорий йилда 20 дан ошириш ва тадбиркорлик субъектларига янада кенг шароит яратиш мақсад қилинган.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ СИЁСАТ БОРАСИДАГИ ПОЗИЦИЯСИ

Минтақада ва халқаро миқёсда барқарорликни таъминлашда долзарб аҳамият касб этади



Хабидулло САДИБАҚОСЕВ, сиёсий фанлар доктори

Бошланиши 1-бетда

“Марказий Осиё плюс” форматининг фаоллашуви, ягона позициянинг халқаро майдонда илгари сурилиши минтақанинг халқаро муносабатлар субъекти сифатидаги мавқени кучайтирди. Айнисса, Озарбайжоннинг Маслаҳат уchrашувларига тўлақонли аъзо сифатида қўшилиши Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида стратегик кўприк ўрнатиб, хавфсизликнинг янги минтақавий контурларини шакллантирди. Бу эса глобал хавфсизлик тизими барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари халқаро хавфсизликнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида қайд этиб, Маслаҳат уchrашувларини “Марказий Осиё ҳамжамияти” стратегик форматига айлантириш гоёсини илгари сурди. Бу ташаббус минтақада мувофиқлаштирилган қарорлар қабул қилиш, таҳдидларга биргаликда жавоб бериш ва узоқ муддатли хавфсизлик стратегиясини шакллантириш имконини беради.

Хавфсизлик масалаларида Ўзбекистон ёндашуви фақат ҳарбий-сиёсий жиҳатлар билан чекланмайди. Шу боис, терроризм, экстремизм, трансгеографик жиноятчиликка қарши кураш, Афғонистондаги вазият, экология ва сув танқислигини юмшатиш масалалари ҳам биз учун жуда муҳим. Чунки минтақанинг гуллаб-яшнаши ва фаровонлиги бевосита минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги сый-ҳаракатларимизга боғлиқ.

Афғонистон масаласида Ўзбекистон конструктив ва прагматик позицияни эгаллаб, ушбу мамлакатни минтақадаги иқтисодий ва инфратузилмага оид лойиҳаларга интеграциялаш, бу орқали узоқ муддатли барқарорликка эришишни мақсад қилган. Бу ёндашув халқаро хавфсизлик архитектурасида куч ишлатишдан кўра ривожланиш ва ҳамкорликка таяниш моделини илгари суради.

Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги ташаббуси янги Ўзбекистоннинг хавфсизликни кенг қамровли, барқарор ривожланиш билан боғлиқ ҳолда кўраётганидан далолат беради.

Минтақадаги чегаралар билан боғлиқ низолар, сув танқислиги, терроризм ва

экстремизм хавфи каби умумий муаммолар биргаликдаги ечимларни талаб этади. Шу боис, янги таҳрирдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида экология ва табиати муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, транспорт-коммуникация инфратузилмаларини янада ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни кучайтириш муҳим мақсад ва вазифа этиб белгиланган.

Шунингдек, Марказий Осиёда халқаро ҳуқуқ ва минтақадаги барча давлатнинг миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини чуқурлаштириш, Марказий Осиё давлатлари ҳудудда фуқароларнинг эркин ҳаракати, товарлар, хизматлар ва капиталнинг сунъий чекловларсиз айланишига босқичма-босқич эришиш, умумий сайёҳлик маконини шакллантириш ишларини давом эттириш ҳам жуда муҳим вазифа.

Бундан ташқари, Афғонистон билан кўп қиррали ва ўзаро фойдали муносабатларини ривожлантириш, унинг иқтисодий тикланишига яқиндан кўмаклашиш, транспорт-транзит салоҳиятини рўйбага чиқаришга ҳисса қўшишдан минтақадаги барча мамлакатлар манфаатдор.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан сўнгги йилларда Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатлар ижобий йўналиш олди. Ушбу ҳамкорлик Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат уchrашувлари доирасида минтақавий механизмлар орқали муаммоларга тез ва конструктив ечим топилаётгани, МДҲ, ШҲТ ва Туркий давлатлар ташкилоти доирасида ҳамкорлик кенгайтирилатганига намойён бўлади.

Президентимиз “Марказий Осиё янги давр оstonасида” мақоласида минтақа чинакам бирдамлик босқичига ўтаётганини таъкидлаб экан, бу жараённинг тасоддий эмас, балки давлатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси ва узоқ муддатли масъулиятли танлови натижаси эканини алоҳида қайд этди.

Мазкур фикр мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий тамойилини ифодалайди: хавфсизлик мажбурлаш ёки қарама-қарши-



муҳитини барпо этиш орқали кириб келмоқда. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 2017 йилдан буюн мунтазам ўтказиб келинаётган Маслаҳат уchrашувлари минтақада ташқи воситачиларсиз мулоқот аънанасини шакллантирди. Бу жараён эса Президентимизнинг мақоласида янги таъсир таъқкур рами сифатида талқин қилинган.

Айнан шу мулоқот тўғрисида йиллар давомида кескинлик манбаи бўлиб келган чегара масалалари узил-кесил ҳал этилди. 2025 йили Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида уч давлат чегараларининг туташ нуктаси бўйича келишувга эришилган минтақавий хавфсизлик тарихида янги саҳифа очилди.

Хавфсизликнинг иқтисодий мезони янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида марказий ўрин

кўрсатади. Жумладан, сўнгги саккиз йилда Марказий Осиё мамлакатларининг ялпи ички маҳсулоти қарийб 2,5 баробар кўпайиб, 520 миллиард долларга етди. Ташқи савдо ҳажми эса 253 миллиард доллардан ошди. Ўзаро савдонинг икки баробар, ўзаро инвестицияларнинг 5,6 баробар кўпайгани минтақавий интеграция хавфсизлигини мустаҳкамловчи муҳим омилга айланганидан далолат беради. Айнисса, Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан савдоси ҳажми 2016 йилдаги 2,4 миллиард доллардан 2024 йилда 7,2 миллиард долларга етгани юрти-мизнинг минтақавий иқтисодий барқарорлиқдаги етакчи ролини кўрсатади.

Ўзбекистон хавфсизлигини фақат ҳарбий-сиёсий масала сифатида эмас, балки энергетика, сув ва экология билан узвий боғлиқ жараён сифатида талқин қилади. “Қамбарота 1” ГЭС лойиҳасининг уч давлат томонидан биргаликда амалга оширилиши, Амударё ва Зарафшон ҳавзаларида сув ресурсларидан темир йўли лойиҳасида фойдаланиш бўйича битимлар минтақавий хавфсизликнинг янги моделини — умумий ресурсларга адолатли ёндашушни шакллантирмоқда. Бу модель экологик хавфларни камайтириш билан бирга ижтимоий барқарорликни ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг халқаро хавфсизлик архитектурасидаги ўрни Афғонистон масаласидаги ёндашувда яққол намойён бўлади. Зеро, Афғонистон минтақанинг таркибий қисmidир. Трансафғон темир йўли лойиҳаси Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги транспорт боғлиқлигини кучайтириш билан бирга Афғонистоннинг иқтисодий тикланиши учун реал пойдевор яратди. Бу эса минтақанинг жанубий сарҳадларида барқарорликни таъминлайди.

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг яна бир муҳим жиҳати, халқаро майдонда мувофиқлаштирилган ёндашувларни илгари суришдир. “Марказий Осиё плюс” форматининг фаол ривожланиши минтақани глобал сиёсатнинг мустақил субъекти сифатида шакллантирмоқда. Европа Иттифоқи, Хитой, Россия, Япония ва АҚШ билан минтақавий форматдаги мулоқотлар Марказий Осиёнинг стратегик аҳамияти ортб бораётганини кўрсатади.

2026 йил 13 январь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида глобал ва минтақавий миқёсда кескинлашиб бораётган геосиёсий вазиятни алоҳида тилга олиб, турли ҳудудларда қуролли можаролар кенгайиши, қуролланиш пойгаси жадаллашуви, халқаро ҳуқуқ нормалари ва дипломатик механизмларнинг заифлашуви замонавий халқаро хавфсизлик тизимини издан чиқараётганини таъкидлади.

Бу эса Ўзбекистонни ташқи кузатувчи сифатида эмас, балки фаол ва масъулиятли иштирокчи сифатида ҳаракат қилишга ундайди. Замонавий урушлар моҳиятини тубдан ўзгарган. Энди ҳарбий устулик фақат сон ва анъанавий қурол-аслаҳага эмас, балки сунъий интеллект, рақамли бошқарув, кибер-хавфсизлик, робот технологиялари ва юқори аниқликдаги узоқ масофали зарба бериш имкониятларига таянади.

Тинчлик ва барқарорлик энг олий қадрият сифатида эътироф этилган йиғилишда Президентимиз “проактив иш режими” тушунчасини илгари суриб, барча соҳа ва тармоқлар хавф-хатарларини олдиндан аниқлаш ва уларга жавоб қайтариш қобилиятига эга бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Бу ёндашув Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликдаги ролини пасив мудофаа билан эмас, балки барқарорликни мустаҳкамловчи, олдини олувчи сиёсат асосида бажараётганини аниқлатади. Ушбу йиғилишнинг муҳим жиҳатлардан яна бири шуки, давлатимиз раҳбари янги Мулоффа доктринаси ва Миллий хавфсизлик концепциясини қайта кўриб чиқиш зарурати ҳақида сўз юритди. Қайд этилганча, янги доктрина Ўзбекистоннинг эҳтишаси, янги ҳарбий блокка қўшилмаслик сиёсатини сақлаб қолган ҳолда кўп томонлама дипломатияга

тирмоқда. Европа Иттифоқи, Хитой, Россия, Япония ва АҚШ билан минтақавий форматдаги мулоқотлар Марказий Осиёнинг стратегик аҳамияти ортб бораётганини кўрсатади.

2026 йил 13 январь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида глобал ва минтақавий миқёсда кескинлашиб бораётган геосиёсий вазиятни алоҳида тилга олиб, турли ҳудудларда қуролли можаролар кенгайиши, қуролланиш пойгаси жадаллашуви, халқаро ҳуқуқ нормалари ва дипломатик механизмларнинг заифлашуви замонавий халқаро хавфсизлик тизимини издан чиқараётганини таъкидлади.

Бу эса Ўзбекистонни ташқи кузатувчи сифатида эмас, балки фаол ва масъулиятли иштирокчи сифатида ҳаракат қилишга ундайди. Замонавий урушлар моҳиятини тубдан ўзгарган. Энди ҳарбий устулик фақат сон ва анъанавий қурол-аслаҳага эмас, балки сунъий интеллект, рақамли бошқарув, кибер-хавфсизлик, робот технологиялари ва юқори аниқликдаги узоқ масофали зарба бериш имкониятларига таянади.

Тинчлик ва барқарорлик энг олий қадрият сифатида эътироф этилган йиғилишда Президентимиз “проактив иш режими” тушунчасини илгари суриб, барча соҳа ва тармоқлар хавф-хатарларини олдиндан аниқлаш ва уларга жавоб қайтариш қобилиятига эга бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Бу ёндашув Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликдаги ролини пасив мудофаа билан эмас, балки барқарорликни мустаҳкамловчи, олдини олувчи сиёсат асосида бажараётганини аниқлатади.

Ушбу йиғилишнинг муҳим жиҳатлардан яна бири шуки, давлатимиз раҳбари янги Мулоффа доктринаси ва Миллий хавфсизлик концепциясини қайта кўриб чиқиш зарурати ҳақида сўз юритди. Қайд этилганча, янги доктрина Ўзбекистоннинг эҳтишаси, янги ҳарбий блокка қўшилмаслик сиёсатини сақлаб қолган ҳолда кўп томонлама дипломатияга

таяниши, ҳарбий мустақиллик ва юқори технологияларга асосланган стратегияни илгари суриши лозим. Бу позиция Ўзбекистонни минтақада мувозанатлаштирувчи ва барқарорликни таъминлашга интилувчи давлат сифатида намойён этади.

Умуман олганда, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги қатор муаммоларнинг босқичма-босқич бартараф этилаётгани Ўзбекистоннинг бу борадаги фаол ва конструктив ўрни билан чамбарас боғлиқ. Мамлакатимизнинг халқаро ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш йўлидаги сый-ҳаракатлари қатор ташаббус ва тадбирлар жараёнида яққол кўринади. Жумладан, мунтазам ўтказилаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат уchrашувлари, “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққий йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги Самарқанд конференцияси, Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги Тошкент конференцияси, “Марказий Осиё халқаро транспорт йўлақлари тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар” мавзусидаги Тошкент халқаро конференцияси, “Марказий Осиёда ўзаро боғлиқлик: таҳдидлар ва янги имкониятлар” мавзусидаги халқаро анжуман шулар жумласидан.

Бундан ташқари, Самарқандда илк бор ўтказилган Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи саммити, ЮНЕСКОнинг биринчи марта Самарқандда бўлиб ўтган йиғилиши, Парламентларо Иттифоқнинг 150 йиллиги муносабати билан Тошкентда ташкил этилган тадбирлар, турли мавзу ва йўналишлардаги халқаро эксперт конференциялари, илмий-амалий уchrашувлар ва дипломатик мулоқотлар янги Ўзбекистоннинг ўзгариб бораётган халқаро хавфсизлик архитектурасида нафақат минтақавий, балки глобал миқёсда ўзаро ишонч ва очик мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилган сый-ҳаракатлар ташаббуси орқали эканидан дарак беради.

Ўзбекистоннинг халқаро сиёсат ва хавфсизлик борасида мустақил позицияга эга бўлиши ҳар жиҳатдан муҳим. Бу, айнисса, бугунги халқаро хавфсизликка нисбатан салбий ёндашувлар, куч омили ортб бораётган бир пайтда янада долзарб аҳамият касб этади. Чунки ўзгариб бораётган халқаро хавфсизлик архитектурасидаги анъанавий ва ноанъанавий таҳдидларга қарши курашда Ўзбекистон учун иттифоқчилик муносабатлари ва стратегик ҳамкорлик алоқалари жуда зарур. Аслида, бугунга келиб халқаро хавфсизлик архитектурасида Иккинчи жаҳон урушидан кейинги танаффусдан сўнг яна жиддий тусга кирмоқда.

Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган ўзаро қарама-қаршиликлар, қуролли тўқнашувлар, Афғонистоннинг келажакига доир ноаниқликлар, айрим жойларда сақланиб қолган зиддиятлар минтақавий можароларнинг глобал тусга айланиб кетиши хавфини кун сайин орттириб борапти.

Шу боис, Ўзбекистон Марказий Осиёда минтақа хавфсизлиги ва барқарорлиги учун масъулиятни ўз зиммасига олишда давом этиши керак. Бунинг учун, шубҳасиз, мудофаа қобилиятини кучайтириш, замонавий технологияларни ўзлаштириш ҳамда мамлакат ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш шарт. Кучли Ўзбекистон — барқарор ва ривожланган Марказий Осиё қафолати. Минтақа давлатларининг Ўзбекистонга нисбатан шубҳа ва гумудда бўлмаслиги учун улар билан доим мулоқот, ишончли ҳамкорлик ҳамда очик-ликни тарғиб қиладиган муносабатларни сақлаш зарур. Давлат ташкилотлари ҳамда ҳалқ вакиллари билан самийий ҳамкорлик ва алоқалар минтақанинг бирлашувини ва хавфсиз келажакни таъминлайди.

Бугуннинг гапи



Наргиза АБДУЛЛАЕВА, халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши депутати

Маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш ва жамиятни тараққий эттириш йўлидаги ислохотлар 2026 йилда янада кенгайтирилади. Бу борада жорий йилга мўлжалланган давлат дастури лойиҳасида ҳар бир йўналиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Аҳамиятлиси, унда Президентимиз илгари сурган ташаббуслар, тўғридан тўғри амал қилиш механизми ва йил якуни бўйича эришилган аниқ натижалар баён этилган. Дастурда маҳаллани ривожлантириш ва


жамиятни юксалтириш, иқтисодий ва технологик ўсиш моделига ўтказиш, янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш, экологик асраш, сувдан оқилона фойдаланиш, давлат бошқаруви ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш каби устувор йўналишлар бўйича муҳим ислохотлар назарда тутилган.

Давлат дастурида ислохотларни фақат режалаштириш эмас, балки аниқ натижа ва шахсий жавобгарлик асосида амалга ошириш кўзланмоқда. Шунинг учун ҳам илк бор ислохотлар алоҳида соҳалар бўйича устувор дастурлар шаклида қабул қилиниб, ҳар бир йўналиш бўйича аниқ мақсад ҳамда масъул ижрочилар белгиланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлат бошқарувида натижа учун ишлаш тамойили қарор топаётганини аниқлатади.

Жумладан, иқтисодий соҳада технологик ўсиш ва инвестицияларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, соҳа ва тармоқларни технологик ўсиш моделига ўтказиш орқали ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 2030 йилгача 240 миллиард доллардан ошириш учун зарур шароитлар яратиб, жорий йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 167 миллиард долларга етказиш мақсад қилинмоқда.

Экологик мувозанатни таъминлаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича устувор ислохотлар дастурида эса илгор технологияларни жорий қилиш ҳисобига

Аҳолининг жамиятдаги ижтимоий фаоллиги рағбатлантирилади



7 миллиард куб метр табиий газни иқтисод қилиш ҳамда атмосферага 11 миллион тонна зарарли модда чиқишининг олдини олиш белгиланган. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб дуал таълим тизими асосида ҳар бир ҳудудда 14 та “яшил” техникум очил, эксплуатация мuddати ўтган автомобиллар

утилизациясини ташкил этиш ва унинг компонентларини қайта ишлаш масалалари ўрин олган.

Давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш бўйича ислохотларнинг асосий йўналишлари этиб жамиятни юксалтиришда ва долзарб муаммоларни

ҳал этишда давлат ҳамда фуқаролик жамиятининг бирлашган ҳолда фаолият юритиши таъминланади. Ута оғир жиноятларга доир ишларни судда жамоатчилик вакиллари билан иборат халқ вакиллари ҳайъати иштирокида кўриб чиқиш каби устувор вазифалар белгиланган.

“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да “маҳалла еттилиги” фаолиятини ташкил этиш жараёнини ислоҳ қилиш бўйича ҳам қатор янгилуқлар режалаштирилган. Жумладан, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ҳимоя ходими ва солиқ инспекторини уларнинг бўйсунувдаги ташкилотлар тақдимномасига асосан туман, шаҳар ҳокими томонидан лавозимга тайинлаш ва фуқаролар йиғини тақдимномасига асосан лавозимдан озод этиш белгиланмоқда. 500 та маҳаллада вакиллари уларнинг ўзи истиқомат қилаётган ва ёндаш маҳалладан тайинлаш амалиётини жорий этиш, “маҳалла еттилиги” аъзоларига фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни юклагани қатъий тақиқлаш шулар жумласидан.

Шунингдек, маҳалла ходимлари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш, уларнинг билими ва кўникмаларини доимий ривожлантириш мақсадида Маҳаллани ривожлантириш

миллий институти ва ҳудудий филиаллари очилади. Шу билан бирга, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маҳалла тизимидаги раҳбар ҳамда мутахассис кадрларнинг бир йилда бир марта малакаси оширилади.

Маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштиришга қатта маблағ йўналтирилади. Бунга янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман, шаҳарларни ривожлантириш, саноят, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги драйвер лойиҳалар учун зарур инфратузилма яратиш, Тошкент шаҳрида маҳаллаларни ободонлаштириш, туризм ва гастрономик кўчаларни кенгайтириш ҳамда сугорик тизимларини ривожлантириш масалалари киритилмоқда. “Ташаббусли бюджет” тадбирлари, маҳалла бюджети маблағларини шакллантириш, 100 та энг яхши солиқ тўловчи маҳаллага 2 миллиард сўмдан ажратиш, ички йўлларни таъмирлаш ва Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ҳам назарда тутилган.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгиланганидек, ислохотларнинг марказида маҳалла институти туриди. Муҳими, маҳалладаги ҳар бир муаммо давлат органлари учун аниқ масъулиятга айланиб, унинг ижроси рақамли тизим орқали доимий назорат қилинмоқда.

Бу йилги давлат дастурида фуқароларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида ижтимоий фаолиятни рағбатлантириш механизми ҳам жорий этилмоқда.

Умуман олганда, ислохотлар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини реал мазмун билан тўлдириш, тараққийнинг янги босқичига ўтиш, аҳоли фаоллиги ва фаровонлигини оширишга қаратилган.



2026 йил 12 февраль, 29-сон

Лойиҳадан — натижага

ҲАР БИР ХОНАДОНДА ОБОДЛИК БЎЙ КЎРСАТМОҚДА



“ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ БУГУННИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН. ЎТГАН БИР ЙИЛДА КАМБАҒАЛЛИК РЕЕСТРИГА КИРГАН 25 ОИЛАГА АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ.

Бошланиши 1-бегда

Ишлаш истаги бор, лекин етарли малакага эга бўлмаган ёшлар, хотин-қизлар “устоз-шогирд” аънаналари асосида касб-ҳунарга жалб этилди. Уларнинг имтиёзли кредит олишига кўмаклашди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 3 бемор фуқаронинг даволаниши учун амалий ёрдам кўрсатди. Бугун маҳалламизда камбағал, бекор юрган одам, бўш қолган томорқа йўқ.

Тадбиркор Иномжон Қурбоновнинг хонадонда ўрикни қуриштириб, баргак тайёрлаш йўналишидаги лойиҳаси тўғрисида бир вақтнинг ўзига 50 га яқин одамнинг бандлиги таъминланди. Бугун маҳалладаги 50 дан ортиқ хонадон эгалари “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ишлашди. Улар тайёрлаган қуруқ мева нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам харидорлар.

— Фаолиятимизни томорқамиздаги ўрик ҳосилини қуриштириб, қадоқлашдан бошлаганимиз. — дейди тадбиркор Мансуржон Бадалов. — Яратилган имконият тўғрисида ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан 33 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, иш ҳажмини кенгайтирдик. Энди маҳалламизда боғлар, аҳоли томорқасида етиштирилган сархил ўрикларини ҳам йиғиб, қайта ишлаяпмиз. Бугун 10 та доимий ва 15 та касаначилик асосида иш ўрни очдик. Ҳар ойда 2 тоннадан ортиқ маҳсулот сотамиз.

Хуррамободликлар ердан унумли фойдаланишда ҳам қўпчиликлари намуна бўлиб келяпти. Кейинги йилларда худудда эртаки сабзавотлар етиштириш, иссиқхона хўжаликларини фаолиятини йўлга қўйиш аънанаси ҳам ривожланди. Адҳамжон Жўраев ана шундай миришкорлардан. Уч сотихли иссиқхонасида исмақлоқ парваришляпти. Бир йилда уч марта экин экиб, ҳосил оляпти.

— Эртаки ва кузги бодрингдан 60 миллион сўмдан ортиқ даромад олдик, — дейди томорқачи. — Учинчи ҳосил сифатида исмақлоқ экиб парваришляпмиз. Исмақлоқ кўкчам неъматли бўлгани учун харидорлар. Тармоқ фаолиятини кенгайтиришни мақсад қилганимиз. Оиламиздаги тўкин ҳаёт, фаровонлик мана шу меҳнатимиз маҳсули.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликдан чиқариш бугуннинг устувор вазифаларидан. Ўтган бир йилда камбағаллик реестрига кирган 25 оилга амалий ёрдам кўрсатилди. Жорий йилда эса 100 кишини ёрдам қилдик.



билан таъминлаш, 29 оилани камбағалликдан чиқариш, фаровонлигини ошириш чоралари кўриломоқда. Бу борадаги амалий ислохотлар ижросида “Маҳалла банкири”нинг кўмаги, қўллаб-қувватлови муҳим аҳамиятга эга.

— “Хуррамобод” маҳалла фуқаролар йиғинида мева қуриштириш ва қайта ишлаш, кулолчилик, чорвачилик, тикувчилик, шунингдек, иссиқхонада эртаки сабзавот етиштириш омалашяпти, — дейди “Маҳалла банкири” ёрдамчи агенти Мамураҳон Орипова. — Фаолиятимиз давомида бу борадаги ишлар салмоғини янада ошириш, ташаббускорларга амалий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Жорий йилда Сайхунобод тажрибаси, “Бизнес биринчи қадам”, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 35 та микролойиҳани қўллаб-қувватлаш учун 1 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредит ажратилиши кўзда тутилмоқда. Бу аввалги йилга қўйилганда икки ҳисса кўп.

Бирор лойиҳа учун кредит олмақчи бўлганларнинг аввалгидек банк муассасаларига боришига зарурат йўқ, “Маҳалла банкири” ва унга кўмаклашадиган ёрдамчи агент тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва кенгайтиришни мақсад қилган ташаббускор оилаларга камида 3 тадан истиқболли лойиҳа пакетини тақдим этапти.

— Мева қуриштириш, қайта ишлаш ва чорвачилик йўналишида тадбиркорлик қилиш учун кредит олиш, бизнес лойиҳалар ишлаб чиқишда бирмунча қийинчилик, тушунмовчиликларга дуч келаётганим бос, бу ишни бошлашга журъат топа олмаётганим, — дейди Назиржон Қодиров. — “Маҳалла банкири” бу йўналишда маслаҳат бериб, керакли йўл-йўриқлар кўрсатди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишим учун “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 50 миллион сўм имтиёзли кредит олишимга кўмаклашди. Натияжада 4 та янги иш ўрни очдик. Йиғим-терим мавсумида 10 та касаначи билан ишлаб, қўшмича даромад олдик имкониятига эга бўлдим.

Хуррамободда аҳолининг кундалик ҳаёт тарзи учун керакли қўлай шарт-шароит яратилди. Янги уйлар, бог-роғлар барпо этилди, йўл ётқизилди, тоза ичимлик сув, электр тармоқлари тортиди.

— Маҳалламиз ҳар жиҳатдан обод, файзли меканга айланди, — дейди меҳнат фахрийси Ҳулумжон Иброҳимов. — Авваллари оддий мих, доир-дармон харид қилиш учун ҳам туман марказига боришга мажбур эдик. Энди бунга зарурат йўқ, ўнлаб савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ишга туширилгани узоғимизни яқин, оғиримизни энгил қилди. Қишлоғимизда бармоқ билан санарли энгил автомашина бор эди. Бугун дەرли ҳар бир оилани машинани кўрасиз. Бунинг учун шукр қилишимиз, юртимиздаги тиңчилик, тотувликнинг қадрига етишимиз керак.

Бир маҳалланинг ҳаёт тарзидаги лойиҳа ва ташаббуслар ҳақида яна кўйлаб мисоллар келтириш мумкин. Мухими, амалий ишлар, ташаббуслар самарасидан эл баҳра олмақда. Ишчилар барҳам топиб, худудлар обод, файзли меканга айланмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

... Ҳаммаси шунчаки ҳавасдан бошланди. Зафар иш излаб юрган пайтлари яқин ўртоғи билан учрашиб қолди. Ўртоғи иш борлигини айтди. Фақат иш хорижда экан. Бир оз қаражат қилиб, етиб олинса, бири икки бўлишини таъкидлади. Шу йўсин дўстлар келишиб, орадан кўп ўтмай чет элга кетди.

Ўзга юрт олисдан гўзал кўринади. Зафар ўзича ширин орзулар оғушда борганди. Чет элда ҳам осон эмас экан. Қонуний йўл билан боришга сабри етмаган эди. Тавakkал қилгани ёмон бўлди. Уч-тўрт ой тайинли юмуш бўлмади. Саргардонликдан чарчади. Иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демади. Оғир меҳнат қаддини буюди. Топган пули ўзидан ортади. Шу ҳолатда анча кун юрди. “Нима бўлса-да, ўз юртингда бўлганинг яхши экан”, деб ўйлади Зафар. Биров “ҳалини нима?” деб сўрамади. Арзини эшитадиган одам йўқ. Йигит борганига пушаймон бўлди. Кетай деса, қуруқ кўл билан қайтишга юзи чинамайдиган. Бунга журъат керак. Вақт ўтиб, бир корхонага ишга кирди. Аммо ойлиги қилаётган меҳнатига яраша эмасди. Чорасизлик сабаб ишлади ва бир йил деганда тежаб-тергаб йиққан пули билан қишлоққа қайтди.

Бу орада тенгдоши Меҳриддин ҳам чет элдан қайтганди. Унинг ҳам иши ўнгидан келмаган эди.

— Кеча амаким маҳалламиздаги ишлаб чиқариш корхонаси ишга қабул қилаётганини айтганди. Истасанг бирга борамиз, — деди Зафар Элмуродов. — Шу ерда ишлаймиз. Маоши ҳам ёмон эмас экан. Балки олишар...

Тақлиф Меҳриддин Хонназарова ҳам маъқул бўлди. Тенгдошлар бирга қўлга Шайхсабз туманидаги саноат зонасида ташкил этилган мебель чехи сари йўл олди.

Фаолиятини 2012 йилда бошлаган “Зубайдуллаев Фирдавс” МЧЖга қарашли мебель ишлаб чиқариш корхонаси бундан тўрт йил олдин саноат зонасига кўчиб ўтган эди. Туман ҳокимлиги бу ерга кўчишни тақлиф этганидаёқ ишбилармон рози бўлиб адашмаган экан. Саноат зонасида тадбиркорлар учун барча имконият яратилгани корхонанинг ёш

Бандлик

ЁШ ТАДБИРКОР ТЕНГҚУРЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАДИ

раҳбари Фирдавс Зубайдуллаевга қўл келди. Жумладан, ёгоча ишлов бериш, юмошқ ва қаттиқ мебеллар тайёрлаш, темир панжарали буюмлар яшаш учун алоҳида бўлимлар ташкил этди. Усталар учун керакли жиҳозлар олиб келинди. Натияжада иш ҳажми ва сифати ошди. Қисқа мuddатда харидорлар сифини кенгайтиришга эришилди. Энди буюртма ҳажми ошиб, кўпроқ меҳнат қилиш керак эди. Тадбиркор янги иш ўринлари очиб, ёшларни қабул қила бошлади.

Меҳриддин ва Зафарнинг ҳам бу ерга ишга кирганига бир йилга яқинлашди қолди. Ўшанда уларни иш бошқарувчи Нодирбек Ҳайдаров илиқ кутиб олди. Ҳовлидаги чорпоёга тақлиф қилди. Йигитлар билан яқиндан танишди. Уларнинг аввал қаерда ишлагани билан қизиқди. Қўлида хунари бўлса, албатта, цехда меҳнат қилиши мумкинлигини таъкидлади. Йигитлар қандай буюмлар ясалаятгани ҳақида сўради. Ўзлари ўтирган бежирим чорпоё ҳам шу ерда тайёрланганини билиб, усталарга ҳавас қилди. Шу қайдан бошлаб йигитлар ишга киришди. Иштилувчанлиги кўли келиб, тезда бошқа усталар қаторидан ўрин олди. Ҳозир ҳазрат шогирдлар ҳам тайёрлашмоқда.

— Илгари бирор жойда расмий ишчи сифатида меҳнат қилмаганман, — дейди Меҳриддин Хонназаров. — Мактабни битиргач, уч-тўрт ой бекор юрдим. Кейин мавсумий юмушларни бажарадиган бўлдим. Тайинли маош оладиган жой бўлмаса, оворагаччиликнинг охири кўринмас экан. Қўпчилик қизқиргани учун чет элга кетдим. У ерда қонуний ҳужжат талаб қилинди. Менинг эса ҳужжатим йўқ эди. Шу сабаб бирор завоёт ёки фабрикага бориб ишлаб олмадим. Оқибатда кўча-кўйда ўзим иш топишга ҳаракат қилдим. Аммо интилишимда барака бўлмади. Қайтиб келгач, шу ерга ишга кирдим. Бу ерда барчаси кўнгилдагидек. Тайёрлаган маҳсулотимиз сонига қараб маош белгиланади. Яхши ишласак, ойнага ўртача 10-15 миллион сўмгача маош оламиз. Рости, бунча пулни чет элда юриб ҳам тополмасдик.

Сарвиноз Эрнарзорова ҳам анча йилдан буюн ишсиз эди. Иккиталиб чехга борганди, ишга қабул қилинди. Ишлаб чиқаришга тез мослашди. Айниқса, ёгоча ишлов беришда бугун ундан ўтадиган йўқ. Ҳар қандай электр ускунасида қўйилган фойдаланади.

— Бу ерда ишлаётганимга бир йилга яқинлашиб қолди, — дейди Сарвиноз. — Аввал бундай меҳнат билан шугулланма-

ганман. Одам астойдил интиласа, ҳар қандай ишни бажариб кетаркан. Ҳаракат қилдим. Тез ўрганиб олдим. Асосий ишим ёгоча ишлов бериш. Ясаётган ҳар бир маҳсулотимиз қанча чиroyли қичса, барчамиз шунча мамнун бўламиз. Қилаётган меҳнатимиз ўзимга ёқади. Ҳозир ойнага 3-4 миллион сўм маош олиб, рўзгор тебратяпман. Турмуш тарзимиз яхшиланмоқда.

Айни пайтда корхонада 10 дан ортиқ турдаги мебель тайёрланиб, ойнага ўртача 500-600 миллион сўмлик маҳсулот сотувга чиқарилди. 15 киши доимий, 30 нафари мавсумий меҳнат қилади. Уларнинг аксарияти ёшлар.

— Барча дастгоҳимиз чет элдан келтирилган. Замонавий. Иш рақамли технологиялар орқали бажарилади, — дейди корхона иш бошқарувчиси Нодирбек Эрнарзоров. — Мухими, сифатга эътибор қаратяпмиз. Тайёрлаган мебелларимиз вилоятнинг дەرли барча туман ва шаҳарларига сотилади. Асосан, буюртмаларни сотувчиларга етказиб бериш билан шугулланамиз. Қўшимчасига савдо дўконларимиз ҳам бор. Илгари битта хонада ишлардик. Тармоқни кенгайтиришга шароит йўқ эди. Саноат зонасида жой берилгач, янги иш ўринлари очилди. Жорий йил якунигача янги лойиҳаларни амалга оширишни режа қилганим.

Ёш тадбиркор Фирдавс Зубайдуллаев жорий йилда илк бор мебелларини экспорт қилишни кўнглига туққан. Айни пайтда чет элик ишбилармонлар билан ҳамкорлик келишуви тузилмоқда. Бундан ташқари, яқинда қиймати 100 минг долларлик янги лойиҳа ишга туширилди. Корхонада хорижий замонавий технологияси асосида мебель учун ишлатиладиган юмошқ мато ишлаб чиқаришмоқда. Нодирбек Ҳайдаровнинг таъкидлашича, юмошқ мато илгари Тошкент шаҳрида сотиб олиб келтирилган. Янги лойиҳа амалга ошиши эвазига 30 фоз маблағ иқтисод қилинади. Бундан ташқари, вилоятда илк бор юмошқ мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натияжада воҳадаги мебель ишлаб чиқарадиган тадбиркорлар ҳам юмошқ матони шу ердан олиши мумкин. Бу йўл қаражани камайтириб, таннархни арзонлаштириш учун яхши имконият. Мухими, янги иш ўринлари кўпайиб, ёш тадбиркор истаганидек, тенгқурулари бандлиги таъминланади.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Камбағалликни қисқартириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш каби муҳим вазифалар янги Ўзбекистондаги инсон қадрини улуғлашга қаратилган ислохотлар марказида турибди. Жумладан, шу йил 23 январь кун Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2026 йилда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам шунга доир қатор топшириқлар берилди.

Навоий вилотида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш борасида муайян ишлар бажариляпти. Жумладан, 2025 йилда “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган 30 минг 49 хотин-қизга ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг муаммолари ижобий ҳал этилди. Шу орқали 10 минг 946 хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун 848 хотин-қизга 13 миллиард 47 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Боқувчисини йўқотган 4926 эҳтиёжманд аёлга бир марталик моддий ёрдам берилди.

— 2025 йилда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича тизимли ишлар қилинди, — дейди Навоий вилоти ҳокими ўринбосари Малика Мамадиёрова. — Жумладан, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки тезкор тиббий муолажага муҳтож 10 минг 535 хотин-қизнинг масаласи ўрганилди. Ижтимоий ҳимоя йўналишида 189 аёлнинг яшаш хонадонини таъмирланиб, 275 хотин-қизнинг ижара компенсацияси тўлаб берилди. Тўрт аёл уй-жой билан таъминланди. Қарамонда ногирон фарзанди бўлган 2515 аёлга манзилли моддий ёрдам ажратилди. Шунингдек, эҳтиёжманд 23 аёлнинг хонадонига кўш панелли ўрнатилди. Соғлиғида муаммоси бор 115 хотин-қизга жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, соғлом ҳаётга қайтишига кўмаклашилди. Шунингдек, опа-сингилларимизнинг иқтисодий фаолиятини ошириш ислохотларининг энг муҳим йўналишларидан. Ўтган йили Навоий

вилотида 20 минг 886 хотин-қиз касб-ҳунарга тадбиркорликка ўқитилди. “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш” дастури доирасида 754 аёл 130 миллиард сўмлик кредит ҳисобларига фаолиятини бошлади. Бизнесини кенгайтириш истагидаги 1256 тадбиркорга эса 219 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилиб, янги иш ўринлари очилди.

Ана шундай ислохотлар самарасини Навбахор тумани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ушбу худудда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастуридан орқали минглаб хотин-қиз иш бошлаб, даромад манбаига эга бўлди. Мамлакатимиздаги имкониятлар аёлларга иш топиш эмас, иш ўрни очиб имконини бермоқда. Бу борада белгиланган дастурлар орқали хотин-қизлар бизнес фояларини амалга ошириш, фаолиятини кенгайтириш ва янги иш ўринлари очишга муваффақ бўляпти.

— Навбахор туманида 122 минг киши бор. Уларнинг 60 минги хотин-қизлар, — дейди туман ҳокими ўринбосари Гулнора Эргашева. — 2025 йилда 1856 хотин-қиз тадбиркорликни ривожлантириш ва турли касб-ҳунарлар бўйича ўқитилди. Сайхунобод тажрибаси асосида 400 нафари билимини оширди. Шунингдек, тадбиркорлик йўналишида ўқиб, бизнес бошламоқчи бўлган аёлларга имтиёзли кредит берилди. Жумладан, 1200 дан зиёд хотин-қизга 20 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Бундан ташқари, “Ҳамроҳ аёл” тадбиркорликни ривожлантириш дастури орқали 8 нафарига 1 миллиард

150 минг сўм берилди. Етақчи тадбиркорларга ишсиз 153 хунараманд аёл бириктирилиб, бандлиги таъминланди. Уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам доимий эътиборда. Уртан йили 50 бемор хотин-қизнинг тиббий муолажаси учун ёрдам берилди. 10 нафаридан мураккаб жарроҳлик амалиёти бепул ўтказилиб, соғлом ҳаётга қайтишига кўмаклашилди. 2026 йилда ҳам бу борадаги ишлар тизимли равишда эътиборда.

Шунингдек, туманда чеварлик, хунарамандлик ва хизмат кўрсатиш бўйича фаолият юритаётган хотин-қизлар ҳам ўз ўрнини топомоқда. Кичик цехлар ташкил этилиб, ишсиз аёлларнинг бандлиги таъминланяпти.

Ким учундир бахт соғлиқда, ким учундир эса ҳаловатда. Наргиза Уринова бахтсиз ҳодисага учраганида саломатлик қанчалик қатта бахт эканини англаган бўлса, яқка-ёлғиз фарзанди улайгани сари кўп йиллар битмай чала ётган иморати тўғрисида ҳаловат ҳам йўқ эди. Бу муштипаир аёл ҳам муаммолари билан ўз ҳолига ташлаб қўйилмади.

— Биринчи гуруҳ ногирониман. Бир фарзандим билан ёлғиз яшайман. Боқувчимиз йўқ, — дейди Наргиза Уринова. — Уйимизда яшаш шароитимиз жуда оғир эди. Лекин доимий ижтимоий ёрдам берилди ва эътибордан четда қолмадик. Соғлиғимни тиклаш учун ҳам кўмаклашилди. Мухими, агбор ҳолатдаги уйимиз ўтган йили қайтадан қурилиб, замонавий таъмирланди. “Маҳалла еттилиги” ҳам доим ҳолимиздан хабар олиб турибди.

ИСЛОХОТЛАР ИНСОН ТАҚДИРИНИ ЎЗГАРТИРГАНДА...



Меҳр меҳвари

Қизилтепа туманида ҳам хотин-қизлар билан ишлашнинг янги тизими самара бермоқда. Муаммоларни маҳаллада аниқлаб, тезкор ва манзилли ҳал этиш орқали аёллар турмушида ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда. Хорижда ишлаб, оиласидан йироқ юрган хотин-қизларнинг Ватанга қайтиб, тадбиркорлик билан шугулланаётгани ислохотларнинг инсонпарварлик моҳиятини тегин оқиб беради.

Даромад топиш мақсадида уйдан, фарзандларидан оиласида — чет элда меҳнат қилган Лайли Шухратова. — “Маҳалла еттилиги” ва бошқа муассасаларнинг юртимизда хотин-қизлар тадбиркорлиги учун яратилган

шароитлар ҳақидаги гапини эшитиб, қайтишга қарор қилдим. Дастлаб ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан имтиёзли кредит олиб, 2-3 киши билан қандолатчиликни йўлга қўйдик. Ўшанда кичик бинони ижарага олгандик. Фаолиятимиз кенгайтириш бос, корхонамиз филиаллари сони 3 гага етди. Битта пишириқлар дўконини очдик. Ҳозир 25 хотин-қизни иш билан таъминлаганим. Келгусида филиалларимиз сонини ошириб, аёллар учун янги иш ўринларини кўпайтиришни мақсад қилганимиз. Хориждан қайтиб келиб, тўғри қилган эканман. Ҳозир Ватанимда муваффақиятли фаолият юритаётган тадбиркор аёлман.

Тадбиркорнинг даромади кўпайса, фаолиятини кенгайтиришга киришади. Бу эса қўшмича иш ўрни дегани. Ташаббус борга имтиёзи, истаги борга шароит, меҳнатига рағбат, имкониятга имконият очаётган ислохотлар бунга замин ҳозирламоқда.

— Туманимизда 79 минг хотин-қиз истикомат қилади, — дейди Қизилтепа тумани оила ва хотин-қизлар бўлими бош мутахассиси Машхура Агломова. — Шундан 5000 га яқини “Аёллар дафтари” рўйхатида туради. Уларга 6 йўналиш бўйича кўмак бериб келяпмиз. Туманимиздаги илгор тадбиркор аёлларга эҳтиёжманд 200 хотин-қиз бириктирилиб, бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, 2025 йилда 1400 аёлга имтиёзли кредит ажратилиб, тадбиркорликни бошлашига кўмаклашилди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга ҳам турли йўналишда ёрдам берилляпти. 2026 йилда ҳам бу борада бир қатор ишларни режалаштирганмиз.

Янги Ўзбекистонда ҳеч ким ўз муаммоси билан ёлғиз қолдирилмайди. Бу борадаги янгиликлар, ижтимоий давлат тамойили асосидаги ислохотлар хотин-қизлар бахти, оила фаровонлиги ва жамият тараққиётининг янада муваффақ ҳам пойдевориغا айланмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Нуқтаи назар

МИЛЛАТНИ БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧ

ёхуд миллий тизимга татбиқ этилаётган ЯПОН МЕТОДИКАСИ



Отабек БОЗОРОВ, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори

Бошланиши 1-бегда

Жамиятни бирлаштиришнинг япон методикасидан фойдаланиш ташаббуси уч йил аввал Фарғона вилоятида йўлга қўйилиб, ижобий натижага эришилган. Энди эса бу тажрибани Наманган вилоятида ҳам жорий этилаётгани вақт талаби, жамият эҳтиёжи ва тарбияни замонавийлаштириш йўлидаги мантиқий ривожланиш босқичидир.

Наманган мамлакатимизнинг миллий қадриятлар, одоб, ибрат, меҳр-оқибат ва жамоатчилик ҳисси кучли сақланган ҳудудларидан. Бундай муҳитда япон тарбия технологиялари ўзбек миллий руҳини билан уйғунлашиб, янада тез ва юқори натижа бериши табиий.

Аҳамиятлиси, мазкур мактабларнинг моддий-техник базаси маҳаллий бюджет ҳисобидан мустаҳкамланган. Бу ёшлар тарбиясида давлатнинг роли кучаяётганини кўрсатади. Чунки яхши натижа фақат гоёни эмас, зарур шароитни ҳам талаб қилади.

Тарбия ва маънавият нуқтаи назаридан қаралса, япон маданияти — каттага ҳурмат, она-лага садоқат, ор-ному, меҳнатсеварлик, тартиб-интизом, жамоа, эл-юртга хизмат қилиш кабилар қўп жиҳатдан ўзбек қадриятларига ўхшайди. Бу фазилатлар ўзбек миллий тарбия-

юзга чиқарди. Ишчи-хизматчи, тadbиркор, муҳандис, раҳбар сифатида майдонга чиққан янги Япония ёшлари фақат билимли эмас, балки интизомли, жамоавий, фидойи, масъулиятли, дахлдор, Ватан манфаатини ҳис қиладиган инсонлар эди. Улар Кокутай миллий гоёни талаб қилган фазилатлар билан қуролланган. Миллий гоё, миллий тарбия жамиятни бирлаштирувчи маънавий дастак бўлди.

Кекса япон педагоглари билан суҳбатлашсангиз, улар сизга миллий бирлашув йўлида ироданинг этни жунжиктирадиган мисолларини айтиб беради. Иккинчи жаҳон урушидан кейин япон ишчиларида меҳнат, садоқат, Ватанга хизмат қилиш фазилатлари биринчи ўринга чиққан.

Ишчиларга атиги бир парча нон ва пиёзли шўрва берилар, улар 10 соат ишлар, очликдан қўл-оёқларида дармон, қувват қолмас экан. Ана шунда оёқда тура олмай қолган ишчилар цехнинг шифтига арқон ўтказиб, ҳалқа қилиб, қўлиги билан осилиб, ишни давом эттирган экан. Бу мисол фақат оғир меҳнат тарихи эмас, балки япон тарбия методикаси халқ характерини қандай шакллантирганининг тарихий исботи ҳамдир.

Албатта, бугун бундай меҳнат шароитини идеал деб қабул қилиш мумкин эмас. Лекин мазкур мисолнинг мазмуни битта: маънавий тарбия инсонни енгишмас қилади.

Бундай бирлашган миллий ироданинг, жамоавийлик, масъулиятнинг манбаси бор, албатта. 1958 йилда Япония ҳукумати ишлаб чиққан тарбиявий йўриқномага кўра, мактаб ўқувчиларига ҳамда ёши катта аҳолига тарғиб-таъширлик орқали 22 та таянч фазилат тизими равишда ўргатилган. Бу эса кучли маънавийни шакллантирган. Ушбу мисол ҳам давлатимиз раҳбари илгари сураётган “Кучли иқтисодиёт + кучли маънавият” гоёсининг тарихий ҳақиқат эканини тасдиқлайди.

Тажриба сирини — кўрсатиб ўргатишда

Шу ўринда “Япония. Уни қандай тушуниш керак?” китоби муаллифи Икено Осаму келтирган бир тажриба ҳақида тўхталиб ўтсак.



нинг ҳам умуртқасидир. Шунинг учун япон методикасини жорий қилиш миллий тарбияни замонавий технологик ёндашувлар билан мустаҳкамлайди. Япон тарбия методикаси шиддатли глобаллашув жараёнида миллий тарбияни, унинг тизимли методикаси, хулқ моделларини сақлаб қолиш маданиятидир. Бу методиканинг Узулқиз маънавий тарбия концепцияси билан маслаҳат битта — ватанга содиқ, маънавий етук, юксак малакали, ҳамкорликка қодир, глобал рақобатда голиб бўладиган авлодни тарбиялаш.

Шу маънода, битта мактабдан бошланган бу ташаббус эртага бутун вилоятга, мамлакатта таъсир қиладиган бунёдкор педагогик ҳаракатга айланиши мумкин. Чунки тараққиёт инсондан бошланади. Инсон қандай бўлиши эса тарбияга боғлиқ.

Ҳам иқтисодиёт, ҳам тарбиядан бошланган мўъжиза

“Япон мўъжизаси” ҳам иқтисодиёт, ҳам тарбиядан бошланган. Унинг юксак ривожланиш сирларидан воқиф бўла бордини сари Президентимизнинг “Биз янги Ўзбекистонни барпо қилишда кучли иқтисодиёт ва кучли маънавиятга таянамиз” деган гоёлари бот-бот ёдимизга тушади.

Иккинчи жаҳон урушидан мағлуб бўлиб чиққан Японияда кенг қўлланма ислохотлар бошланди. 1955 йилдан тарбия ва тарғибот тизимини ислох қилишга киришилди. Бу ислохот бир неча йилда янги инсонларни еттиштирди. Янги инсонлар “япон мўъжизаси”ни

Япон оналари ва европалик оналарга болалари билан бирга пирамида йиғиш вазифаси берилади. Мана шунда икки хил маданиятга мансуб оналарнинг тарбия методикасини қандай тушуниши яққол кўринади. Япон оналари аввал ўзлари пирамида йиғди, кейин боласига: “Мен каби йиғ”, дейди. Агар бола хато қилса, ҳеч қандай жазо ёки қаттиқ танбеҳсиз, яна бошдан кўрсатади, қайта бошлайди. Европалик оналар эса аввал болага пирамида қандай йиғилишини тушуниради, изоҳлайди, кейин боладан пирамида йиғишни талаб қилади. Бир қарашда фарб услуби илмийроқ кўринади — тушунтириш, қондалар, таъриф. Лекин бундай бўлмайди, япон она-болалари ютиб чиқади.

Чунки бола дунёни оғзак таърифлар билан эмас, кўз, қўлоқ, ҳаракат, тажриба орқали англайди. Унга қондаларни айтиш мумкин, лекин ўша қондан қўллаш учун намуна, мисол керак. Шунинг учун япон таълим-тарбияси аввал болага кўрсатади, болада шу ҳаракатини қилиш истагини уйғотади, кейин боланинг ўзи ҳаракат қилади.

Педагогика фанлари доктори, профессор М.Қуронов бу ҳолатни япон ва ўзбек халқларининг миллий тарбиясидаги қонуниятлар билан боғлайди: япон онаси миллий тарбия қондаси — кўрсатиб ўргатишга амал қилган. Европалик она эса бола тушуна, яхши бажаради дея, оғзакни ёндашган.

Япон оналари ўзбек халқининг “Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши” тамойилига амал қилган. Илгари бобо-момоларимиз ўғил-қизларини ўзи билан бирга бозор, ҳашар, тўй-томоша, йиғинларга олиб



Тараққиёт воситаси

Дунёда ҳар бир давлатнинг тараққиёт формуласи бор. Кимдир бу формулани нефть, газ, олтин билан, кимдир портлар, логистика, табиий ресурслар билан изоҳлайди. Аммо XXI аср ҳақиқатини ҳаётнинг ўзи исботлаб берди: табиий бойликлар эмас, инсон капитали мамлакатни тараққиётга элтади. Инсон капитали эса фақат битта механизм — тарбия билан яратилади.

Шу маънода, Япония тажрибаси нафақат иқтисодий мўъжиза тарихи, балки тарбия орқали миллат характерини шакллантириш ҳақидаги жонли дарсдир. Унинг сабоғи шундаки, тўғри тарбия фақат ахлоқ эмас, иқтисодий рақобатбардошлик, ижтимоий барқарорлик, давлат хавфсизлиги ва инновацион тараққиётнинг асосий шарти ҳамдир. Мана шундай ҳулосаларни мустаҳкамлайдиган фактлар, фикрлар ва амалий тавсиялар япониялик педагоглар билан суҳбатларда яна бир бор ўта равшан кўринади.

Нега айнан ушбу юрт услуби?

Япония энг ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олган, ўртача IQ кўрсаткичи бўйича юқори ўринда турадиган, миллий ўзлигини сақлаб қолган ҳолда фаронгликнинг энг юқори даражасига эришган мамлакат. Бу давлат ўз тарихи ва миллий ўзига хослигини сақлашда қўп мамлакатлар учун ибрат ҳамда намуна ҳисобланади.

Кунчиқар юрт тараққиётининг бир муҳим хусусияти бор. У ривожланган давлатлар ютуқларини ўзлаштирган, аммо кўр-кўрона кўчирмаган. Ўрганган, таҳлил қилган, ўз шароитига мослаштирган, кейин жадал жорий этган. Ана шу ёндашув Японияни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан улкан тараққиётга олиб чиқди.

1955 йилдан бошлаб Японияда тарбия ва таърифат соҳасида ислохотлар кучли иқтисодиёт ва кучли маънавият принципи асосида йўлга қўйилди. Бу жамиятнинг “Қандай қилиб миллат ўзини йўқотмай, замонавийлашадими?” деган саволига жавоб эди. Япония бу саволга машҳур формуласи билан жавоб берди: “Япон маънавияти + Фарб билими = Япон мўъжизаси”.

Фарбдан билим, технология, фан ва бошқарув тизими ўрганилди. Аммо миллий қадриятлар, жамоавийлик, меҳнатсеварлик, дахлдорлик, фидойилик, Ватан манфаати учун шахсий манфаатдан воз кечиш каби фазилатлар миллий тарбия орқали мустаҳкам сақланди. Янгиланиш миллий ўзликнинг камийиши эмас, аксинча, миллий характерни кучайтириш ҳисобидан амалга оширилди.

1958 йилда Япония ҳукумати янги миллий тарбия йўриқномасини тасдиқлади. Унда аҳоли ва ёшлар орасида 22 та таянч фазилатни тарбиялаш мақсади қўйилди. Бу фазилатлар шунчаки “одоб-ахлоқ қондалари” эмасди. Улар, биринчи навбатда, фуқарони билим олиши, меҳнат қилиш, масъулиятни ҳис этиши, жамоат манфаатини биринчи ўринга қўйишга сафарбар қилган ички маънавий драйверга айланади. Ана шу инсон омилли 1973 йилда “Япония мўъжизаси”ни вужудга келтирди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Японлар ахлоқий фазилатларнинг асосий қисми 14 ёшгача шаклланишини таъкидлайди. Бу ёш оралиғида инсон характерига пойдевор қўйилади. Шунинг учун Японияда тарбия “бир умрлик вакцина”, дейилади. Бир марта тўғри “эмланса”, инсонда умр бўйи муҳофиза механизми ишлаб туради.

Шундай экан, бугуннинг энг муҳим чақириқларидан бири тарбияни оғзак шаклдан амалий шаклга ўтказиш, “айтдим” деган таскиндан “кўрсатдим” деган масъулиятга ўтишдир. Ана шу йўл билганича биз ҳам миллий тараққиётимизда маънавий асосни кучайтириб, янги Ўзбекистоннинг янги инсон капиталини тарбиялай оламиз.



Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бугунги мураккаб замонда ёшларимизни турли синовларга чидамли, ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш, халқимизни бирлаштиришга давлат эҳди. Биз учун ҳозирги глобал тараққиёт даврида, дунёда ўта кескин ва таҳликали жараёнлар юз бераётган бугунги кунда миллий бирлик ниҳоятда муҳимлигини таъкидлади.

“Жумладан, “Донишманд боболаримизнинг “Бирлашган — ўзар, бирлашмаган — тўзар” деган ҳикматли мақоли бор. Чиндан ҳам, қаранг, кимки бирлашди — ҳаётда ўзди, ғалабага эришди. Кимки бирлашмади — тўзиб, йўқ бўлиб кетди. Тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, аввало, бирдамликдан куч олдиқ. Машаққатли кунларда одамларнинг, маҳалла аҳли елкадош бўлиб қўйинчиларини енгган. Оила — оилага, қўшни — қўшига кўмак бериб яшаган. Биз мана шундай ўта ноёб қадриятимизга доимо содиқ қолишимиз, ёш авлодимизни айни шу руҳда тарбиялашимиз керак”, деди.

Мана шу масалада ҳам миллий бирликнинг япон тажрибасига ҳамма тан беради. Таҳлил қилинса, бу миллий бирлик ҳам тарбия натижаси бўлиб чиқади.

Елпигидаги код

Япон педагоглари ўзбекистонлик ҳам-қабиларига чиройли елпиги соғва қилди. Маълум бўлишича, бу оддий соғва эмас, педагогик соғва экан. Улар елпигини тарбиянинг теран фалсафаси сифатида талқин қилиб, бундай деди: “Тарбия — елпигининг дастаги. Фанлар — елпигининг бўлмаган”, деб тасаввур қилинг. Барча фан тарбиядан бошланади, тарбияга бориб уланади. Уларни тарбия — дастак тўплаб, йиғиб, бирлаштириб туради. Агар тарбия бўлмаса, улар сочилиб кетади. Шунинг учун болалар богчаси, мактаб, аввало, тарбия билан шуғулланиши керак. Ана шунда болаларга “Яхши ўқи”, “Китоб ўқи”, дейишга зарурат қолмайди. Чунки тарбияли бола ёмон ўқишдан уялади, ор қилади”.

Аслида, бу — бутун таълим тизимини қайта қурадиган принцип. Агар ҳар бир фаннинг янқуни манзили фазилат бўлса, демак: математика фақат ҳисоблаш эмас, аниқлик, сабр, масъулиятни тарбиялайди; адабиёт фақат матн эмас, эмпатия, эстетик дид, миллий идрокни шакллантиради; тарих фақат сана эмас, дахлдорлик, ватанпарварлик, хулоса чиқаришга ўргатади; жисмоний тарбия фақат машқ эмас, ирода, интизом, жамоавийлик, миллий бирлашувни мустаҳкамлайди.

Бугун Ўзбекистонда таълим ислохотлари, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси

дейди. Бу эса фақат бир бола ёки оиланинг муаммоси эмас, балки мамлакатнинг ижтимоий-маънавий муҳитига таъсир қилувчи стратегик муаммо.

Бу фикрни тўғри англасак, ҳақиқат оддий: ҳар бир келишмовчиликнинг илдизиде қондалар эмас, амалий кўнника етишмаслиги ётади. Аслида, бола қайси вазиятда нима дейиш, қандай тинглаш, қандай сўраш, қандай рад этиш, қандай уэр сўраш, қандай сабр қилишни тушуниш орқали эмас, кўриб ва такрорлаб ўрганади. Агар у бундай хулқ моделни кўрмаса, машқ қилмаса, хулқи автоматлашмайди. Автоматлашмаган, беқарор хулқ стресс пайтида бузилади. Бузилган муносабат эса зиддиятга айланади. Зиддиятлар одамларни, халқни бирлаштирмайди, аксинча, пароканда қилади.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бугунги мураккаб замонда ёшларимизни турли синовларга чидамли, ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш, халқимизни бирлаштиришга давлат эҳди. Биз учун ҳозирги глобал тараққиёт даврида, дунёда ўта кескин ва таҳликали жараёнлар юз бераётган бугунги кунда миллий бирлик ниҳоятда муҳимлигини таъкидлади.

“Жумладан, “Донишманд боболаримизнинг “Бирлашган — ўзар, бирлашмаган — тўзар” деган ҳикматли мақоли бор. Чиндан ҳам, қаранг, кимки бирлашди — ҳаётда ўзди, ғалабага эришди. Кимки бирлашмади — тўзиб, йўқ бўлиб кетди. Тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, аввало, бирдамликдан куч олдиқ. Машаққатли кунларда одамларнинг, маҳалла аҳли елкадош бўлиб қўйинчиларини енгган. Оила — оилага, қўшни — қўшига кўмак бериб яшаган. Биз мана шундай ўта ноёб қадриятимизга доимо содиқ қолишимиз, ёш авлодимизни айни шу руҳда тарбиялашимиз керак”, деди.

Мана шу масалада ҳам миллий бирликнинг япон тажрибасига ҳамма тан беради. Таҳлил қилинса, бу миллий бирлик ҳам тарбия натижаси бўлиб чиқади.

Елпигидаги код

Япон педагоглари ўзбекистонлик ҳам-қабиларига чиройли елпиги соғва қилди. Маълум бўлишича, бу оддий соғва эмас, педагогик соғва экан. Улар елпигини тарбиянинг теран фалсафаси сифатида талқин қилиб, бундай деди: “Тарбия — елпигининг дастаги. Фанлар — елпигининг бўлмаган”, деб тасаввур қилинг. Барча фан тарбиядан бошланади, тарбияга бориб уланади. Уларни тарбия — дастак тўплаб, йиғиб, бирлаштириб туради. Агар тарбия бўлмаса, улар сочилиб кетади. Шунинг учун болалар богчаси, мактаб, аввало, тарбия билан шуғулланиши керак. Ана шунда болаларга “Яхши ўқи”, “Китоб ўқи”, дейишга зарурат қолмайди. Чунки тарбияли бола ёмон ўқишдан уялади, ор қилади”.

Аслида, бу — бутун таълим тизимини қайта қурадиган принцип. Агар ҳар бир фаннинг янқуни манзили фазилат бўлса, демак: математика фақат ҳисоблаш эмас, аниқлик, сабр, масъулиятни тарбиялайди; адабиёт фақат матн эмас, эмпатия, эстетик дид, миллий идрокни шакллантиради; тарих фақат сана эмас, дахлдорлик, ватанпарварлик, хулоса чиқаришга ўргатади; жисмоний тарбия фақат машқ эмас, ирода, интизом, жамоавийлик, миллий бирлашувни мустаҳкамлайди.

Бугун Ўзбекистонда таълим ислохотлари, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси

мақсадлари, инсон капиталига қаратилган дастурлар ижроси учун япон елпиги методикаси жуда зарур. Чунки бу методика бизга “Қандай қилиб ёшларнинг билим, компетенцияларини миллий мақсадга йўналтириш мумкин?” деган глобал саволга жавоб беради.

Ечим тарбияни “қўшимча иш” эмас, педагогик жараённинг марказий мақсади сифатида ташкил қилишда. Япония методикасининг кўрсатгани шу: тарбия марказ бўлса, таълим сифати ўз-ўзидан ошади. Чунки ўқувчилар ўзидаги меҳнатсеварлик, инновацион фикрлаш, ирода, тириққоқлик кўнникларини билим олишга қаратади. Емон ўқишдан ор қилади.

Орамизда “Тарбияни қўй. Билим олса бўлди”, дейдиганлар ҳам бор. Уларга улғ алло-маларимизнинг мана бу фикрини эслатамиз: “Тарбияламай берилган билим телбанинг қўлига берилган қилчидир”. Бу нима дегани? “Тарбиясиз аълочи” ўз билимини шахсий гаразда, бошқаларнинг зарарига, коррупция мақсадида ишлатади. Бу билан халқнинг тинқисини қурилатади.

Шунинг учун япон методикасидан фойдаланиб, ҳалол-поқ, Ватанга содиқ фарзандларни етиштириш Ўзбекистон учун қатор муҳим натижаларни кафолатлайди.

Авалло, мактаб муҳити соғломлашди: “ўқувчи — ўқувчи”, “ўқувчи — ўқувчи” зиддиятлари камаяди, чунки хулқ моделлари машқ қилинади.

Иккинчидан, Soft skills (юмшоқ кўнник-малар) тизимли шаклланди: жамоада ишлаш, мулоқот, келишиш, масъулият, лидерлик каби кўнниклар “паралел” эмас, “асосий” натижага айланади.

Учинчидан, илмга муносабат ўзгарди: бола “ўқиш керак” деган босим билан эмас, “билимаслик — мен учун уят” деган ички, тарбиявий нозир, виждон йўриғи билан ҳаракат қилади.

Тўртинчидан, жамиятнинг ижтимоий-маънавий муҳити мустаҳкамланди: тарбия мактабдан ташқарида, маҳаллада, оилаларда бир хил тушунилади ва маҳаллани ривожлантиради, жамиятни юксалтиради.

Хуллас, нафақат Япония, балки Шарқнинг “йўлбарс давлатлари” ўз тараққиётининг бошида иқтисодий инновациалар билан бир қаторда дунёдаги энг кучли таълим-тарбия технологияларини олиб келган, модификация қилган ва шулардан кейин юксалган.


Ўзбекистон ҳам ана шу сингални йўлдан бормоқда. Бугунги глобал конвергент ёндашув миллий маънавиятни замонавий технологиялар билан уйғунлаштириб, “Миллий тарбия + юксак технологиялар = Ўзбек мўъжизаси” тарзида тараққиётга хизмат қилдиради.

Япон елпиги бизга бу тарихий ҳақиқатнинг рамзи бўлиб қолади. Яъни мажозий айтганда, фанлар бу — бармоқлар. Бармоқларни бирлаштирадиган дастак эса тарбия. Шу дастакни мустаҳкамласак, таълим, иқтисодиёт, жамият пароканда бўлмайди, бирлашади. Мурожаатнома қайд этилганидек: “Бугунги кунда жамиятимизда турли хил фикр ва қарашлар бўлиши табиий. Бу — демократиянинг бирламчи талаби. Аммо миллати, тили ва динидан қатъи назар, бутун эл-юртимизни бирлаштирадиган улғур бир гоё бор. У ҳам бўлса, Ватан манфаати, халқимиз манфаатидир”.

Бу дастурий фикр мамлакатимиз етакчисининг ватанпарвар бирликка қаратилган тўғридан тўғри, стратегик талабининг олий ифодаси. Шундай экан, мана шу ватанпарвар бирликни ташкил этишининг илмий-методик тарбия асосларини жаҳон тажрибаси асосида бойитиб бориш ҳар бир педагогнинг касбий масъулияти бўлмоғи керак.

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваддуғ топган кун

Ҳаёти ва ижоди — ибрат мактаби



Бошланиши 1-бегда

Бобур ота-боболаримиздан мерос бўлиб авлоддан авлодга ўтиб келган адолат, ҳақиқат, раҳм-шафқат, саховат каби чинакам инсоний туйғуларни ўзининг қалб гўзаллиги, ақл-заковати билан уйғунлашган ҳолда юзага чиқара олган чинакам инсонлардан биридир.

Бори элга яхшилик қилгинки, мундин яхши йўқ, Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик

байти унинг бош шиори эди. У дўсту душманга бир хил муомалада бўлди, дўстининг садоқатини қадрлади, душманнинг мардлигига тан берди. Яқин кишилари вафосизлик қилганда ҳам тақдир ҳукмига топширди, уларни таҳқирламади, сазойи қилмади, аксинча, Яратган измига ҳавола этди.

Шу боис, Бобур характерида бугунги ёш авлодга ибрат бўлгулик жиҳатлар истаганча топилди. Унинг ижоди ватанпарварлик, халқпарварлик, бунёдкорлик, яратувчанлик ғоялари билан сўғорилган.

Бугунги шиддатли, таҳликали замонда жаҳон аҳлига ўрнак бўлгулик фазилатлар унинг характерида жамулжам эди. Жангоҳларда умри ўтганига қарамасдан, “Девон” тартиб берди, “Ҳарб иши”, “Муфассал”, “Мубай-йин”, “Музыка илми” каби асарларни яратди, “Хатти Бобурий”ни кашф қилди, Хожа Аҳрор Валийнинг “Волидия” асарини туркийга ўтирди.

У ҳинд, афғон ерларига қурол кўтариб, уларни талаш, пароканда қилиш, даҳшат солиш, бойлик орттириш учун эмас, Яратганинг изми билан уларни бирлаштириш, тарқок қабилаларни ягона давлат байроғи остига тўплаш мақсадида борди. Гарчи ўша давр тақозоси билан она юртини ташлаб кетган бўлса-да, умр бўйи унга интилиб яшайди, ватанидан узоққа кетишни “юзи қоралик” деб билди, ўзга юртда шоҳ бўлса ҳам ўзини бенаво, мискин, ғариблар қаторига қўйди. Унинг барча асарларида бу руҳ устулик қилади. Бобур рубоийларининг бирида бундай ёзади:

Кўндин бериким, ёру дийрмн йўқтур, Бир даҳаю бир нафас қарорим йўқтур. Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла, Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

Бундай ҳароратли, ўтли, кўнгил исёни уфуриб турган мисраларни битиш ҳаманинг ҳам қўлидан келарвермайд. Ватан, она дийр соғин-



Абдулхай СОБИРОВ, Андижон давлат университети профессори, филология фанлари доктори

чи, ушалмас бу каби орзу-армонлар шоирнинг “Гўрабт ичра, эй кўнели, элдин вафо истарни кўй, Чун вафосин кўрмидинг ҳарези дийру ёрнинг”, “Дема Бобурга нетарсен, бош олиб кетмак не? Тенгрининг хости мундоқ эса мен нетағаймен?”, “Юз жабру ситам кўрган, минг меҳнату гам кўрган, Осиёише кам кўрган менде яна бир борму?” каби сатрларида бутун бўй-баста билан намоён бўлади.

Бугун жаҳоннинг сиёсий, иқтисодий, маънавий манзараси тубдан ўзгариб, инсоният кўп кутбли дунёга ўтаётган бир пайтда ёш авлод, умуман, миллатимиз учун Бобур каби ибрат бўлгулик улуг боболаримиз борлигини, уларнинг ўғитлари, ўлмас асарлари ҳозирги нотинч замонда тўғри йўл топишмизда маёқ вазиғасини бажарётганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

“Бобурнома”да Бобур Мовароуннаҳрдаги шаҳарларни, наботот ва ҳайвонот олами, тарихий шахсларнинг характеридаги тасвирида, уларга чексиз меҳр-мухаббат, фарзандлик тавосеси билан ёндашади. Хусусан, Андижон ҳақида “Ошилеи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалдаи полиз бошида қовун ситмоқ расм эрмас. Андижоннинг ношоптисини яхшироқ ношопти бўлмас. Эли турқдор. Шаҳр ва бозорасида турки билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам бирла росттур”, дейди.

Самарқанд ҳақида эса бундай ёзади: “Бу рубои маскунда Самарқандча латиф шаҳр камроқдур. Узуми ва олмаси ва қовуни ва

анори, балки жами меваси ҳў бўлур. Ҳўб новволиқлари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши қозаг Самарқанддин чиқар”.

Тўғриси, бу каби ҳаққоний сатрларни ёзиш, ҳолис баҳо бериш учун шу юртни севиш, унинг ҳар бир қарич ерини, бу ерларнинг хоссаларини мукамал билиш зарур эди. Ҳазрат Бобурда бу фазилатларнинг барчаси мужассам бўлган.

Бобур характерида унга теурийлардан мерос бўлиб ўтган тўғрилик, ростлик, ҳар бир ишга адолатпешалик билан қараш фикри кучли эди. Амир Теурунинг “Куч адолатдир” шиори унга ҳам ўтган бўлиб, ҳар бир ҳодисага ёндашганда шу жиҳат шоирга мадад бўлди. Бу ҳақда Бобур “Бобурнома”да отаси Умаршайх Мирзодан ибрат бўлиб қолган бир воқеани қаламга олади:

“Адолати бу мартабада эдики, Хитой карвони келадурганда, Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг йўлук қорвонни андоғ қор босдики, икки киши кутулди. Хабар топиб муҳассиллар йибориб, қорвоннинг жами жиҳотини забт қилди. Ҳар чандиким вориси ҳозир йўқ эрди, боғужудки эҳтиёт сахлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хурсондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим топтурди”.

Отасидан ўтган бу фазилатга Бобур тахтада ўтирганида ҳам, қўлида қилч тутиб жангга кирганида ҳам, ғамли кунларида ҳам, шодон онларида ҳам содиқ қолди.

Масалан, Қорабўғ яқинидаги Оқсарой деган жойда “Сейдим Али дарбоннинг бир ўбдон навқари бировнинг бир кўза ёғини тортиб олгани учун эшикка келтуриб таёқлаттим, таёқ остида ўқ жони чиқди”, деб ёзади. Қалот деган жойда Ҳиндистондан келган савдогарларни “Ақсар барин бўлдиларким, мундоқ ёғийлик маҳалда ёғий вилотиёиша келадурганини таламоқ керак, мен ризо бўлмадим.



Дедимким, савдогарнинг не нуғоги бор?” дея уларга озор етказишларига йўл қўймайди.

Бу воқеадан нафақат биз ёки туркий дунё, балки бутун жаҳондаги тараққийпарвар инсонлар ибрат олса арзийди. Ҳозир айрим давлатлар бир-бирига тишини қайраб, янгидан янги уруш ўчоқларини ёқатган бир пайтда Бобур асарлари адолат, ҳақиқат, эрк овози бўлиб янграши турган гап. Дунё олимларининг Бобурга қараб интилаётганининг сабабида ҳам шу ҳақиқат ётибди. Ундан ўрғанадиган жойлар жуда кўп.



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

Айниқса, Бобурнинг ҳалоллиги, эътиқоди поклиги, тўғрисуғлиги теурий шоҳларга, шаҳзодаларга, саркардаларга, уларнинг уламоларини умаролағига берган таърифу тавсифларида яққол намоён бўлади. Бу борада Бобур ўз отасидан тортиб, тоғаларига, амакиларини яқинларига — барчасининг яхши-ёмон томонларини бирма-бир тасвирлаб ўтади. Бу нарса бугунги авлодга, айниқса, сабр-тоқат, кунт, ҳафсала борасида бир оз шошқалоқлик қилаётган, илм-хуш урғаниш борасида ўз устида тинимсиз ишлаши лозим бўлган ёшларга ҳар томонлама ўрнак бўлиши даркор.

Масалан, Бобур отасининг яқинларидан Али Мазидбек қавчининг “мунофиқ ва фоқиҳ ва ҳаромнамма ва ярамас киши” эканини тасвирлайди. Ҳасан Ёқуббекин “кичик кўнгулик, яхши таъблик, чуст ва часпонлик, мардона” эканини айтиб, шу билан бирга, “ичи тор ва камҳафсала ва худписанд ва қаттиқ сўзлук ва совуқ тегизлук киши эди”, деб баҳо беради. Бундан тегизли хулосалар чиқаришнинг керак.

Тарих ҳолисликни севади. Бобур шахсига баҳо берганда мезон унинг ўз сўзлари, тарихий ҳақиқат бўлмоғи лозим. Ундан бизга мерос бўлиб қолган асарларнинг гувоҳлик беришича, Бобур воқеа ва ҳодисаларга реал

ёндашган, бир томонлама баҳо бермаган, ҳатто гап келганда ўз яқинларининг, теурийларнинг ҳам оқибат томонларини амайиб очиб ташлаган, ганимларининг эса эзгу ишларига тан берган.

Бу донишманд, мард, жасур инсонларгагина хос фазилат. Бобурда бу фазилатнинг энг олий кўриниши мужассам эди. Бобурийлар салтанатининг шаклланиши ва ривожланишида ҳам айнан мана шу жиҳат пойдевор бўлиб хизмат қилган. Бундан биз фақат ўрғанишимиз керак.

Ҳудди шундай улуг ишларни Газни, Кобул, Оғра, Пирўзур, Дуппур деган жойларда амалга оширади, жойлар танлаб, боғлар барпо этади, атрофини обод қилади.

Бобурнинг яратувчанлиги унинг Фарғонадан мевали дарраҳт кўчатларини афғон, ҳинд ерларига олиб бориб эктиришида ҳам кўринади. Шу ҳақда бундай ёзади: “Кобул ва кентларида сардсрий мевалардин узум ва анор ва ўрқ ва олма ва биҳи ва амруд ва шафтолу ва олу ва санжид ва бодом ва янғоқ кўптур. Мен олбулу нихоли келтуриб эктирубмен, яхши олбулулар бўлди ва ҳануз тарраққийда эди”. Бундай ҳолат илм-фанда иқлимлаштириш деб аталади.

Бобур яшаган давр жанг жадалларга, тўс-тўполонларга тўла, шиддатли бир давр эди. Ҳар бир йилги киши чавандолик, қилчбозлик, камонбозликдан бохабар бўлиши талаб этиларди. Бобур сарой тарбиясини кўрган шахс сифатида буларнинг барчасидан нафақат хабардор бўлган, балки у ўша даврнинг мард ва кўрқмас, матонатли, шижоатли жасур жангчиларидан, саркардаларидан, уруш тактикасини мукамал эъланган сара лашкарбошиларидан бири эди. От минишда, қилчбозликда, сузишда, камон отишда унга тенг келадиган наварқар кам бўлган. Бобур жангларида тобланган, пуртақриба, ҳарб ишининг ҳадисини олган ҳукмдорлардан саналарди.

“Бобурнома”дан олинган “Маҳкам зарб совуқ эди. Ул мартабада совуқ эдиким, ушул икки-уч кунда икки-уч киши бу орада совуқнинг шиддатидин ўлуб эди. Бир ариқ сўйишдаки ёқалари қалин муз тўнуб эди, ўртаси сувнинг тезлиги жиҳатидин ах боғламайдур эди, бу сувга кириб сувсиз қилдум. Ун олти қатла сувга чўйдум. Сувнинг совуқлиги хели таъсир қилди”, деган сатрлар Бобурнинг жисмоний жиҳатдан тобланганини, бақувватлигини кўрсатиб турибди. У жангларида юз, балки минг бор ёғин билан юзма-юз келган, аммо кўржиб ортига чекинмаган, ҳар вақт душманга тик боқиб, уларга қарши мардонвор курашган. Умуман олганда, биз — бугунги авлод Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан ҳар томонлама ўрнак олсак арзийдиган жиҳатлар бисёр.

Учинчи Ренессансга пойдевор қўяётган халқимиз учун Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ҳақиқий ибрат мактаби вазиғасини ўтайди, десак асло адашмаймиз.

КўРГАЗМАЛАР ҲИСОБОТ УЧУН ЭМАС, БАЛКИ МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖДИР

Бадий академия, музейлар, тасвирий санъат галереяларида ташкил этиладиган кўргазмалар ҳақида турли қараш ва фикрлар мавжуд. Айримлар уларни режа ва ҳисобот учун ўтказиладиган расмий тадбир сифатида қабул қилса, бошқалар бу масканларни халқ маънавияти учун зарур озуқа, эстетик тарбия ва ижодий тафаккур манбаи деб билади. Аслида, кўргазмалар бу икки тушунчадан анча кенг ва чуқур мазмунга эга маданий ҳодисадир.

Зиё масканлари

Бугун Сурхондарё вилоятида 2 та музей ва битта галерея фаолият юритмоқда. Бу зиё масканларида ҳар йили юзга яқин кўргазма ташкил этилади.

Термиз шаҳрида Ўзбекистон Бадий академияси бадий ижодкорлар уюшмасининг арт-галереяси мавжуд. Шаҳар марказида барпо этилган ушбу иншоот Сурхондарёда ижод қилаётган тасвирий ва амалий санъат намояндаларининг янада самарали ишлаши учун хизмат қилиб келмоқда.

Вилоятда бугун Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг 20 дан зиёда аъзоси фаолият юритмоқда. Икки қаватли муҳташам бинода турли кўргазмалар ўтказиш учун барча шароит яратилган.

— Ёшларга музей ва кўргазмалар ҳақида илк тушунчалар оиладан бошлаб берилиши, жараён мактабгача ва умумтаълим муассасаларида давом эттирилиши лозим. Аввало, ёши катталар, мутасаддилар, мусавирлар ёшларга тарихимиз, буюк ватанпарвар қаҳра-



монлар, илм-фан намояндалари ҳақида доимо сўзлаб бериши жуда муҳим. Шу тариқа болалар кўргазмадаги экспонатларни томоша қилиш баробарида завқ олади, тегизли тартиб-қоидаларга амал қилишни ўрганади, — дейди Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмаси арт-галереяси

бошлиги Рўзимурод Норбоев. — Улуг ёзувчи Абдулла Қодирийнинг “Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайридир” деган гапини кўпчилик яхши билади. Шу жиҳатдан кўргазмалар ташкил этиш фарзанду невараларимизнинг бой қадриятларимиз, санъатимиздан хабардор этади.

Арт-галереяда Сурхон воҳасида яшаган расомларнинг турли йилларга оид ижод намуналари қаторида 1980-йилларда тасвирга олинган суратларни учратиш ҳам мумкин. Қарийб 50 йиллик тарихни ўзид ақс этган ушбу фотожамланма эски Термиз манзараларини ёдга солади. Уларни томоша қилиш орқали вақт нафаси, ўтмишнинг сукунатли қадамини ҳусн этиш мумкин.

— Ушбу суратлар фақат хотира бўлибгина қолмай, бугун билан кечани таққослаш имконини беради. Шу орқали янгилаётган Термизнинг қиёфаси, замонавий кўриниши ва тараққиёт йўли яққол намоён бўлади. Ўтмиш ва бугунни боғлаган ушбу суратлар воҳа марказидаги улкан ўзгаришларни ҳам ўзид намоён этади, — дейди Рўзимурод Норбоев.

Статистик маълумотларга қўра, музей ва галереяларда ўтказиладиган кўргазмаларда иштирок этаётганлар яна қайта келишини таъкидлайди. Бу томошабинда зиёга интилиш расмий мажбурият эмас, балки ички маънавий талаб эканини кўрсатади. — Тақдир тақозоси билан халқнинг буюк донишмандлари, улуг боболарни улғайтирган икки дарё оралиғига Афғонистондан келиб яшаб, Термиздаги университетлардан бирида фаолият юритялган, — дейди ўқитувчи Аҳмад Шикир Муслиҳ. — Тасвирий санъат, театр санъати, адабиётга жамиятлар доим турлича муносабат билдириб келган. Кимлардир уларни ортиқча даҳмаза деб ҳисобласа, бошқалар санъатни инсон руҳиятининг бир кўриниши, мавҳумлик ва олийлик ўртасидаги яратқ деб билган. Бу борада ҳамма даврда ҳам дониш мушоҳадалар, баҳс-мунозаралар бўлган.

Галереяда кўрсатиш шукки, зиёга интилиш бор жамиятда ривожланиш, маънавий юксалиш бўлади. Ўзбекистон мисолида бунини қўрабман.

Музейлар ва тасвирий санъат галереяларида кўргазмаларни фақат ҳисобот учун ташкил этиладиган тадбир сифатида баҳолаш нотўғри. Улар — жамият маънавий ҳаётини бойитиш, эстетик дидини шакллантиришчи ва инсон қалбини тарбияловчи муҳим маданий манзиллардир.

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

QR code and contact information for the newspaper.